Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 3 май, сешанба № 82 (21.686). Сотувда эркин нархда.

МУСТАҚИЛ ВАТАННИНГ ИЛК НИШОНДОРЛАРИ

2 май куни республика Вазирлар Маҳкамасида мустақил Ватанимизнинг биринчи олий нишони — «Соғлом авлод учун» орденини топшириш ва тантанали маросим бўлди. Унда республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, ижодий ва бадиий жамоалар вакиллари ҳозир бўлди. Маросимни республика Президенти Ислом Каримов табрик нутқи билан очди ва мукофотланганларга «Соғлом авлод учун» орденини тантанали суратда топширди.

Юксак нишон соҳиблари — Ф. Сулаймонова, С. Эшонтўраева, А. Хлебушкина, Д. Таганиязова, С. Хонназаров, Л. Цой, М. Ашрапова, О. Алимаҳсумов, Ш. Ерматов мукофотланганлар номидан сўзга чиқиб, ёш авлодни тарбиялаш ва камол топтириш борасидаги камтарин хизматларини юксак қадрлагани учун республика ҳукумати ва Президентига миннатдорлик билдирди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ватанимизда инсон саломатлиги, фуқаролар осойишталиги, келажак авлод камоли доимий диққат-эътиборда бўлиб келаётгани, бу эса халқнинг буюк давлат барпо этиш борасидаги саъй-ҳаракатларига алоҳида суръат бағишлаётгани таъкидланди. «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланганлар орасида халқаро ташкилот вакили ҳам бор эди. Чунончи, БМТ болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вакили Экрем Бирединк жаноблари Ватанимизнинг олий нишонига сазовор бўлди. У орденни қабул қилиб олар экан, юксак эътибор учун ўзбек халқига, Ўзбекистон ҳукумати ва Президентига миннатдорлик изҳор этди, Ўзбекистонда соғлом авлодни вояга етказиш борасида катта ишлар қилинаётганини зўр мамнуният билан таъкидлади.

Суратларни махсус мухбиримиз Владимир МОЛГАЧЁВ олган.

Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси, «Саодат» журналининг бош муҳаррири Ҳ. Худойбердиева, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасининг раиси Ш. Хўжаев «Соғлом авлод учун» ордени нишондорларини жамоатчилик номидан муборакбод этди.

«Соғлом авлод учун» орденини топширишга бағишланган тантанали маросимда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, республика Президентининг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алимов, Х. Жўраев, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков иштирок этди.

(ЎзА).

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ УЧРАШУВИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 1994 йил 29—30 апрель кунлари қисқа муддатли ташриф билан Қирғизистон Республикасида бўлдилар.

Томонлар тўла ҳамжиҳатлик ва ишонч вазиятида ўтган музокаралар чоғида дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва барча соҳалардаги давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари ўз мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий вазият тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар, ўзаро қизиқишга молик бўлган кўпгина масалаларни муҳокама қилдилар. Томонлар Марказий Осиёда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида вужудга келган вазият тўғрисида, шунингдек бир қанча халқаро муаммолар хусусида фикрлашиб олдилар.

Давлатларнинг бошлиқлари минтақада ва умуман МДҲда иқтисодий алоқалар чуқурлашиб боришидан иборат ижобий тамойилни кўрсатиб ўтдилар. Ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш тўғрисида Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида тузилган Шартномани турмушга тадбиқ қилиш механизмини ишлаб чиқиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Ягона иқтисодий макон Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётларини бирлаштиришнинг шундай бир янги босқичики, бунда иқтисодий ҳамкорлик йўлидаги божхона тўсиқлари, икки ёқлама солиқ солиш каби ғовларни олиб ташлаш, валюталар алмаштириладиган пунктларни очиш каби ва бошқа жараёнлар давом эттирилади.

Томонлар қайд этишганидек, мазкур Шартнома Ҳамдўстлик мамлакатларининг Иқтисодий Иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги Шартномасининг қоидаларига тўлатўкис мос келади ва бу Шартнома унга МДҲдаги барча давлатларнинг аъзо бўлиб кириши учун очиқдир.

МДҲ доирасида ҳам, шунингдек Марказий Осиё доирасида ҳам иқтисодий, маданий ва ахборот маконини бирлаштирувчи ташкилотлар ролини ошириш зарурлиги олий даражадаги раҳбарларнинг мулоқотини фаоллаштиришни тақозо этади. Иқтисодий ва сиёсий соҳаларда бир-бирига ўхшаш муаммоларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда анъанавий таркиб топган алоқалар яна ҳам қалинроқ ҳамкорликни шакллантириш ва ўтиш даврида-ги мушкулликларни анча жамайтириш, бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда уни шакллантириш жараёни юзага келтирган қийинчиликларни енгиллаштириш учун реал шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Кейинги вақтларда товар айирбошлашни, тўловларни, ишчи кучи ҳаракатини яхшилаш йўлида қўйилган қадамлар шубҳасиз, минтақадаги иқтисодий аҳволни соғломлаштиришга ижобий таъсир ўтказади. Шу билан бирга иқтисодий ҳамкорлик сари бундан буёнги ҳаракат ўзаро ҳамкорликнинг яна ҳам фаол ва амалий механизмини талаб этади.

Бир қанча сиёсий муаммолар ҳам умумминтақавий хусусиятга эга. Марказий Осиёдаги турли этник гуруҳларнинг биргаликда тинч ва самарали яшашлари потенциали минтақадаги этник вазиятни барқарорлаштириш омили бўлиб қолиши керак.

Учрашув қатнашчилари мамлакатимиз халқларининг манфаатлари йўлидаги давлатлараро ҳамкорликнинг янги шакллари ва тузилмаларини излашни давом эттиришга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

Бу жараён объектив тусда бўлиб, принципиал аҳамиятга эга ва олдиндан маслаҳатлашувлар ўтказилишини тақозо этади. Барча манфаатдор томонларнинг биргаликдаги жадал фаолияти совет тузумидан кейинги маконда яна ҳам яқинроқ бирлашишнинг ўзаро мақбул шаклларини юзага келтирди.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари Ҳамдўстликда қатнашувчи давлатлар бошлиқларининг Қирғизистон Республикасига шошилинч ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарори доирасида табиий офат Қирғизистоннинг халқ хўжалигига етказган зиённи тугатишга онд аниқ чора-тадбирларни муҳокама қилдилар.

Ташқи ишлар вазирликларига Томонларни ўзаро қизиқтирувчи масалалар бўйича мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиб туриш ҳақида ва давлатлар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий негизни янада ривожлантириш тўғрисида топшириқлар берилди.

Давлатларнинг бошлиқлари учрашув якунларидан мамнуният изҳор қилиб, шуни таъкидладиларки, бўлиб ўтган амалий ва самарали музокаралар қардош мамлакатларнинг халқлари ўртасидаги тарихий дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. НАЗАРБОЕВ.

Қирғизистон Республикаси Президенти А. АКАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Қадрли дўстлар!

Айни дақиқаларда барчамиз ҳаяжонли ва тантанали бир воқеага гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун бу ерга мустақил давлатимиз тарихидаги илк юксак нишон — «Соғлом авлод учун» орденини топшириш маросимига йиғилдик.

Маълумки, ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамият ҳам ўз бойликлари билан қудратли ҳисобланади. Ҳар бир халқ мамлакатнинг табиий замини, ер ости ва ер усти заҳиралари, тоғлари ва ўрмонлари, дарёю денгизлари, улкан шаҳарлари, гўзал иншоотлари билан ўз куч-қудратини намоён этишга ҳаракат қилади.

Лекин, кўп асрлик тарихий тажриба шундан далолат берадики, жамиятнинг ҳақиқий бойлиги, бу — инсон, инсон авлодидир. Кишилик жамияти эл-юртига, Ватанига садоқатли, иймон-эътиқоди бутун, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар билан ҳақли равишда фахрланади. Бу улуғвор, бетимсол бойлик ҳеч қайси давлатнинг қудратли салоҳият манбаидир.

Ана шундай ноёб фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказаётган халқ келажакка очиқ кўз, катта ишонч билан қараши мумкин.

Табиат ато этган олий моҳиятга кўра, биз — ўзбеклар ҳаётимизнинг, умримизнинг мазмунини фарзандсиз тасаввур этолмайдиган халқмиз. Дунёга келиб муносиб фарзанд кўриш, иморат қуриш, ниҳол экиб боғ яратиш — ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган эзгу тилак ва қутлуғ инсоний бурчдир.

Шуни алоҳида шукроналик билан таъкидлаш лозимки, халқимиз тарихнинг машаққатли синовлари оша ўзининг ана шу олижаноб хусусиятларига завол етказмай сақлаб келмоқда. Аждодларимиз ўз насларини умумбашарий туйғулар, ўлмас Шарқ фалсафаси, миллий қадриятларимиз руҳида тарбия қилиб келганлар. Ота-боболаримиз асрлар давомида тилимизни, дилимиз ва динимизни, ўзбекнинг ўзлигини ҳар томонлама асраб-авайлаб, баркамол авлодларни вояга етказдилар. Бундай фазилатлар асл эътиборига кўра бизнинг заҳматкаш халқимизга муносибдир ва бу билан ҳар қанча ғурурланса арзийди.

Олдимизда мустақил буюк давлат қуришдек мураккаб ва шарафли вазифа турган бир пайтда бу маънавий қадриятларнинг аҳамияти минг карра ортади. Нега деганда, ҳар қандай улуғ мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш қуриш, инсон зотига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил одамларга, келажак баркамол авлодга боғлиқдир. Шу боисдан ҳам ҳозирги кунда, халқимиз фарзандларимиз иқболини ўйлаб, қаттиқ бел боғлаб меҳнат қилаётган масъулиятли бир даврда мазкур тушунчалар янада теран маъно касб этади.

Азиз биродарлар!

Одамзод дунёда жуда кўп касбу ҳунарнинг эгаси бўлиши мумкин. Қурувчи, деҳқон, боғбон, шоир, олим бўлиб ном қозониш, мол-мулк, бойлик орттириш мумкин. Лекин Оллоҳ таоло инсонга ато этган энг катта бойлик, энг улуғ бурч борки, уни дунёдаги ҳеч бир нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бу — фарзанд кўриб ота бўлиш, она бўлиш бахтидир. Бу фақатгина бахту саодат эмас, балки яратганнинг олдида, элу юрт олдида жуда катта масъулият ҳам демакдир.

Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, Ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир.

Шу маънода давлатимизнинг биринчи юксак нишони бўлмиш «Соғлом авлод учун» ордени ҳам инсон тақдирини, жамият тақдирини, келажак тақдирини, олдимизда турган улуғ мақсадларни кўзлаб таъсис этилди.

Бинобарин, унга сазовор кишиларни бу вазифаларни сидқидилдан адо этадиган, ёш авлод камолоти учун ўзини бағишлайдиган фидойи инсонлар деб биламиз. Уларни улкан давлат вазифасини бажараётган одамлар сифатида ҳар томонлама ҳурмат-иззат қиламиз.

Улуғ халқимизга муносиб ҳалол, меҳнаткаш, билимдон, она юртимизга, элимизга садоқатли, баркамол ёш насллари тарбиялаш ишониб топширилган жамиятимиз аъзолари аввало ана шу фазилатлар соҳиби бўлмоқлари даркор.

Мен мана шу залда ўтирган биринчи галда бу юксак мукофотга лойиқ кўрилган барча ҳурматли юртдошларимизни ана шундай инсонлар деб ҳисоблайман. Айни пайтда мамлакатимиз тарихида илк марта шу орденга сазовор бўлган ака-ука, опа-сингилларимизни муборакбод этишни ўзимга улкан шараф деб биламан.

Муҳтарам дўстлар! Бизга Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш каби масъулиятли даврда яшаш насиб этди. Истиқлолдек буюк неъматнинг қадрига етадиган, уни мустаҳкамлайдиган, ўз қадр-қимматини биладиган соғлом авлодни тарбиялаш ҳаммамизнинг зиммамизга тушди. Ишонаманки, бу олий ва масъулиятли вазифани астойдил адо этамиз.

Мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги қийинчилик ва тўсиқларни енгишда, озод ва обод Ўзбекистон давлатини барпо этишда бутун эл-юрт аҳлига куч-ғайрат тилайман.

Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир. Биз тарихан қисқа фурсат ичида бошқа соҳаларда бўлгани каби бу борадаги мақсад ва бурчимизни ҳам яхши англаб етдик. Бизга шу вақтга қадар ҳасад билан қараганлар ҳам энди ҳавас билан қарамоқда, танлаган йўлимиз тўғри эканини тан олмоқда.

Давлатимизнинг олий нишони — «Соғлом авлод учун» орденини топширар эканман, сизларни яна бир бор муборакбод этаман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, омонлик тилайман.

СЕССИЯ АРАФАСИДА

Республикамиз Олий Кенгашининг ўн бешинчи сессияси арафасида Гулистонда Сирдарё вилоятидан сайланган Ўзбекистон халқ депутатларининг йиғилиши бўлди. Уни вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Бугров депутатларни сессияда муҳокама этилиши кўзда тутилаётган қонун лойиҳаларининг мазмуни билан таништирди, уларнинг қабул қилиниши мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида янги муҳим қадам бўлишини таъкидлади.

Йиғилишда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Й. Жўрабеков, Ўзбекистон конституциявий суди раиси вазифасини бажарувчи, конституциявий назорат қўмитасининг раиси Ш. Ўразаев қатнашди.

(ЎзА).

ГАННОВЕР ЯРМАРКАСИДА ЎЗБЕКИСТОН КУНИ

Германиянинг Ганновер шаҳридаги халқаро ярмаркада Ўзбекистон кунининг ўтказилиши бу ердаги асосий воқеа бўлди. Бу тадбир республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг ГФРга расмий ташрифининг бир йиллигига бағишланди. Ўзбекистон кунини ўтказишда республикамиз ҳукумат делегацияси қатнашди. Унинг таркибида Бош вазир ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси С. Сафоев бор эди.

Бу муҳим тадбирда ГФР иқтисодиёт ва иқтисодий ҳамкорлик вазирликларининг, немис иқтисодиёти шарқ қўмитасининг раҳбарлари, «Мерседес-Бенц», «Сименс», «Алкатель», «Иена-оптик», «Клекнер», «Дойче банк» каби катта компаниялар, фирмалар ва банкларнинг вакиллари иштирок этди. Германиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси К. Х. Куна ҳозир бўлди. Ганновер ярмаркасида ўтказилган Ўзбекистон куни Европа савдо-саноат доираларининг эътиборини ўзига қаратди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари республикамизнинг иқтисодий салоҳияти тўғрисида батафсил ахборот бердилар. Бозор иқтисодиётига ўтиш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмуни ва моҳиятини кўрсатиб бердилар, Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги имкониятлари аниқ баён қилиб берилди.

Қизғин мунозара бошланади, унда ГФР савдо-саноат доираларининг вакиллари Ўзбекистоннинг юксак илмий-техникавий ва иқтисодий имкониятларини, ноёб табиий ва хом ашё заҳираларини таъкидладилар. Немис бизнесчиларининг фикрича, Ўзбекистон ишончли амалий ҳамкор бўлиши мумкин ва лозим.

Германия саноатчилари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга қаратилган сиёсати олисни кўзловчи сиёсат эканини таъкидладилар. Айни пайтда бу иш дадиллиги ва жўшқинлиги билан фарқ қилади. Немис бизнесчилари Ўзбекистон Президентининг шу йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишни таъминлаш ва ишбилармонликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига юксак баҳо бердилар. Бу фармон иқтисодий ислоҳотларнинг ҳал қилувчи — иккинчи босқичини бошлаб берди. Бу ҳужжат ва шундан кейинги амалий ишлар ГФР савдо-саноат ва сиёсат доираларида катта қизиқиш уйғотди.

Деярли ярим асрлик тарихга эга бўлган Ганновер ярмаркаси ҳақли равишда жаҳондаги кўп мамлакатлар иқтисодий ва илмий-техникавий ютуқларининг энг нуфузли халқаро кўрикларидан бири ҳисобланади. Рақамлар ярмарканинг миқёси ва кўламидан далолат беради: экспонатлар жойлаштирилган майдон бир миллион квадрат метрдан ортиқ, 50 давлатнинг юзлаб фирмалари ва компаниялари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Ганновер ярмаркасида биринчи марта ўтказилган Ўзбекистон куни, унда республикамиз ҳукумат делегациясининг иштирок этиши бундай халқаро тадбирларда қатнашишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Бу Ўзбекистон обрўсини оширишга қолмай, ҳамкорлик учун янги имкониятлар ҳам очади — ярмарка кунларида ГФРдаги ўттизга яқин йирик компаниялар, фирмалар ва банклар билан музокаралар олиб борилди. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, Ўзбекистон — Германия алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Ином САИДИЙ.

(ЎзА).

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎН БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн бешинчи сессияси 1994 йил 5 майда соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари эртага, 4 май куни эрта билан соат 9 дан то кеч 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳридан бўлмиш халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши эртага, 4 май куни соат 17 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

• *ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи*

«ЭЛНИНГ ТАШВИШИГА БОШ ҚЎШАМИЗ»

ДЕЙДИ МУХБИРИМИЗ БИЛАН ҚИЛГАН ГУРУНГДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ОЛТИНСОЙ ТУМАНИ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ МЕНГТЎРА ҚОДИРОВ.

Қуйида биз шу гурунгдан қисқача тафсилот келтирамиз.

— Менгтўра ака, Сиз вилоятдаги котиблар ўртасида ёши улуғроғи, тажриба жиҳатидан эса ёшроғисиз. Бу ҳолатни ўзингиз қандай қабул қиласиз?

— Мен ўн уч йил қишлоқ кенгашига раислик қилдим. Котибликка таклиф қилишганларида, қатнаб ишлаш керак, уй билан идора ораси йироқ, бизнинг ёшимизга тўғри келмайди, дебман. Қаранг, сал бўлмаса эллик уч ёшга етар-етмас ўзимизни қарияга йўйиб қўйибмиз. Кейин... ишлашга бел боғладим. Мақтаниш эмаску, ишда ёшлардан орқада қолаётганимиз йўқ. Кенгашни қабул қилиб олганимда партия аъзолари 1241 киши эди. Ўн ой ичида бу рақамни салкам 1500 тага етказдик. Шу давр мобайнида бошланғич ташкилотлар ўн иккитага кўпайди.

— Миқдор — дуруст. Сифат-чи?..

— Партиявий ишларнинг самарадорлиги, сифати масаласи кўп мураккаб иш эканлигини, тўғриси, энди ҳис қиляпман. Биз, масалан, бошланғич ташкилотнинг нуфузи баланд бўлсин, деймиз. Бироқ бу нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Бошланғич ташкилотнинг нуфузини аввало кенгашнинг нуфузи белгилайди. Кенгаш ўзига нуфуз орттирмоқ учун нима қилмоғи керак? Қишлоқ кенгашидаги тажрибам, тўғриси, менга қўл келди. Сиполикни йиғиштириб қўйиб, туман хўжалигига, маданиятига оид юмушларга қўл солишиб кетавердим. Кенгаш аъзоларини, партия фаолларини шундай ишлашга даъват қилдим. Қўлдан келганича, албатта.

— Масалан?

— Масаланми! Биз Вахшиварсой ариғини «Қўшчинор» жамоа хўжалигига олиб келиш мақсадга мувофиқлигига одамларни ишонтирдик. Шу ишни амалга оширишни эътиборимизга олдик. Чилмироб ариғини таъмирлаш ҳақидаги ташаббусимиз ҳокимликка маъқул тушди. «Ҳайрондара», «Хўжаипок» жамоа хўжаликларида иш юритишнинг аҳволи, Президент Фармонларининг бажарилиши бўйича хулосаларимизни тегишли идораларга билдирдик. Туман халқ таълими бўлими, Марказий касалхонаси, «Сайрак», «Қўшчинор» жамоа хўжаликлари партия ташкилотлари эса бошланғич ташкилот хоналарини Президент Фармонларининг бажарилишини назорат қиладиган марказга айлантирдилар. Шу ўринда мен И. Алимардонов, Х. Менгортиқов, С. Жумаев, А. Норбоев сингари партия ташкилоти фаолларининг ишига илиқ сўз айтмоқчиман. Бошланғич ташкилотнинг нуфузи кенгашга ҳам татишини айтиб ўтмоқ жоиз. Ва умуман, партиявий ишда, бу юмушни бошланғич ташкилот қилиши кераг-у, бунисини юқори орган бажариши керак, деган айирмачилик бўлмаслиги лозим.

Тизимлар, тартиб-тамойиллар, нуқтаи-назарлар ўзгаряпти. Президентимиз раҳбарлигида мустақил республикамизнинг иқтисодини жаҳоннинг илғор тажрибалари ўлчамларига яқинлаштириш, мослаштириш йўли олиб борилмоқда. Бу борада, табиийки, одамларнинг ўқуви, қобилияти, эътиқоди, мафкураси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Англаган бўлсангиз, шу ўринда мен кадрларни, ёшлар билан ишлашни назарда тутяпман. Кадр танлаш ҳокимликлар ваколатига тегишли эканлигини инкор қилмаймиз. Лекин кўпнинг манфаати нуқтаи назаридан келиб чиқиб, биз одамларнинг фаолиятига муносабат билдиришдан ўзимизни четга олиб турмаймиз. Бу ўринда албатта, шахсий эҳтиросларнинг мутлақо истисно қилинмоғи лозим бўлади.

Шундан келиб чиқиб, кенгашимиз кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, одамлар билан ишлаш, мулкка эгалик қилишнинг янгича шаклларини қарор топтириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқди. Раҳбар кадрларнинг, фермерларнинг иқтисодий ҳамда ҳуқуқий билимларини ошириш учун ўқув машғулотларини ташкил қиляпмиз.

— Узумчиликка ихтисослашган туманингизда узум етиштириш йилдан-йилга камайиб боряпти. Айрим хўжаликлардаги бир қатор соҳалар «ўтириб» қолган...

— Бу камчиликларга бизнинг даҳлимиз йўқ, десам, хато қилган бўламан. Гоҳида ҳокимлик бирон муҳим масаланими, муаммонимни ҳал қилиб бўлгандан сўнг бизга шунчаки билдириб қўяди. Лекин, кеч бўлса ҳам фикримизни биз ҳам тўғридан-тўғри билдирамиз. Чунки, зимдан тарафкашлик қилмаслик керак.

Тўғри сўз, ҳалол меҳнат, элнинг ташвишига бош қўшмоқ киши имонини зиёда қилади. Имони зиёда одамларнинг эли эса хушаҳлоқ, хушҳол бўлади. Хушхоллик, хушахлоқликдан зиёда марҳамат қайда, дейсиз.

Суҳбатдош Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ДЕПУТАТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Маълумки, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн бешинчи сессияси 5 май куни очилади. Ана шу муносабат билан жойларда Ўзбекистон халқ депутатлари билан учрашувлар ўтказилиб, сессия кун тартибига киритилган масалалар кенг муҳокама қилинмоқда.

Ана шундай учрашув Наманган вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов вилоятдаги Ўзбекистон халқ депутатларига сессия кун тартибидаги масалалар тўғрисида ахборот берди. Депутатлар мазкур масалалар юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мандат комиссиясининг раиси М. Мирзиёев, Президент девони масъул ходими Ў. Раҳматов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А. Мардиевлар иштирок этишди.

Учрашувда вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев сўзга чиқди.

Ф. ЙЎЛЧИЕВ, жамоатчи мухбир.

ПАРТИЯ СТИПЕНДИЯЛАРИ

Бувайда тумани партия кенгаши махсус стипендия таъсис этди. У тумандаги иқтидорли ўқувчилар лицейининг ўн нафар толибига ҳар ойда бериб борилади.

— Партиямизнинг бундай амалий ишларидан мамнунмиз. Иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш бу бевосита Президентимиз Фармонининг амалий ижросидир,— дейди туман ҳокимининг муовини Н. Ҳусанов.

ХДП туман кенгашининг бу амалий ишидан руҳланган лицей ўқитувчи ва ўқувчиларидан олти нафари партияга қабул қилишларини сўраб ариза ёзди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Андижон вилояти Марҳамат тумани пахтакорлари бу йил 18 минг тонна «оқ олтин» етиштиришдек улуғ ниятда меҳнат қилишаётир. Туман деҳқонлари эрта баҳорда 6 минг 853 гектар майдонга уруғ қадаган эдилар. Далаларда ҳосилнинг илк даракчилари униб чиқди. Умрзоқ Қорабоев номидаги жамоа хўжалигида пахтага дастлабки ишлов бериш бошлаб юборилди. Ҳозирги кунда хўжалик пайкалларида 17 та ишлов бериш техникаси ва юзга яқин сувчи унум билан ишлаётир.

СУРАТДА: бригада сардори Ҳурсандбек Эргашев.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг навбатдаги кенгайтирилган ижроия бюро мажлисида партия бадалларини ўз вақтида топшириш ва партия интизомини мустаҳкамлашда Ўзбекистон ХДП Беруний тумани кенгашининг иши ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

ПАРТИЯ ИНТИЗОМИ —НИЗОМ ТАЛАБИ

Туман партия кенгашида партия бадалларини ўз вақтида топшириш ва партия интизомини мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган. 65 та бошланғич, 19 та ҳудудий, 153 та цех партия ташкилотлари туман партия кенгашига жипслашган. Уларда 2283 партия аъзоси ҳисобда туради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларини, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматларининг меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган қарорларини амалга оширишда туман партия кенгаши томонидан бирмунча ташкилий-сиёсий ишлар олиб бориляпти.

Шунга қарамасдан, жойларда партия интизоми бўшаштириб юборилган. Пленумлар, ижроия бюро мажлисларини ўтказишда узилишлар бўлмоқда. 1991—1993 йилларда ҳаммаси бўлиб бешта пленум, битта фаоллар йиғилиши, 12 та ижроия бюро мажлислари ўтказилган. Уларда 56 та масала кўриб чиқилган. Шундан 12 тасигина назоратга олинган. Партия интизомига риоя қилиш ва сафларни тўлдириб боришда ҳам камчиликлар мавжуд. Партия йиғилишлари юзаки, тайёргарликсиз ўтказилган. Айрим партия ташкилотларида бўлиб ўтган йиғилишларнинг қарорлари расмийлаштирилмаган. Қабул қилинган қарорларнинг ижроси эътибордан четда қолган. Туман партия кенгаши ва унинг ижроия бюроси Ўзбекистон ХДП дастури ва Низоми асосида ишга нисбатан талабчанлик қилмаган. Шунинг оқибатида партия интизоми сусайган.

Кўпгина партия ташкилотларида бадалларни топшириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Жуманиёзов номли, Маҳтумқули номли, «Олғабос», «Гулистон», «Правда» жамоа хўжаликларида, пахта тозалаш заводида, туман матлубот кооперацияси (ҳаммаси бўлиб 12 та партия ташкилоти) 1993 йилда партия бадалларидан бир сўм ҳам пулни туман партия кенгаши ҳисобига ўтказмаган. Шу йилнинг биринчи кварталида эса 65 та бошланғич партия ташкилотидан 22 таси йиғилган бадалларни туман партия кенгаши ҳисобига ўтказмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Ижроия бюрода бошланғич партия ташкилотлари, туман партия кенгаши котиблари, ижроия бюро аъзолари ўзларининг ишларига эътиборсизлик, лоқайдлик, масъулиятсизлик кўрсатиб келаётганликлари алоҳида таъкидланди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Таҳлил ва сабоқ*

ЁЛҒИЗ ОТНИНГ ДОНҒИ ЧИҚМАС...

— Тетапоя қилаётган партия ташкилотлари ҳақида камдан-кам танқидий фикрлар билдирдик. Шашти қайтмасин, қаноти қайрилмасин, дедик. ХДП ташкил топганига уч йил бўляпти. Энди талабчаликни кучайтирсак, камчиликларни ошкор айтсак бўлаверади.

— Қобиқдан чиқиш пайти келди. Акс ҳолда панд еб қоламиз, — Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг биринчи котиби Абурашид Мирсалимов ижроия бюросининг навбатдаги йиғилишида масалани ана шундай кўндаланг қўйди.

Бюрода ХДП Бағдод туман кенгашининг ёшлар, фахрийлар ва бошқа жамоат ташкилотлари билан сиёсий ҳамкорлиги масаласи муҳокама этилди.

Дарров нуқсонларга ўтмай, аввал «элакда қолгани» ҳақида сўз юритайлик.

Туман кенгашининг ибратли ишларини санасангиз бир учи айланиб хотин-қизлар кенгашига боғланади. Партия хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор бермоқда. Туман партия ташкилоти ҳисобидаги ХДП аъзоларининг 31,3 фоизи аёлларни ташкил этади. Ўтган йили партия сафига қабул қилинганларнинг 51 фоизи аёллардир. Бу бежиз эмас. Туман кенгаши хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қила олибдики, улар ХДП аъзолигини ихтиёр этдилар.

Ўтган йили 14 та йирик хўжалик ва корхоналарда хотин-қизлар кенгашлари раисалари штатлари ташкил этилди. 100 дан ортиқ корхона, муассаса ва ташкилотларда улар жамоатчилик асосида ишлайдилар. Хотин-қизлар кенгашлари зиммасига «Намунали оила», «Қайнона ҳам она», «Моҳир тарбиячилар» каби кўрик-беллашувларни ташкил қилиш, дала шийпонларини жиҳозлаш, ишлаётган оналар ва уларнинг фарзандлари учун шарт-шароитлар яратиш вазифалари юкланмоқда.

Булар-ку яхши, лекин бошқа жамоат ташкилотлари билан-чи? Туман Ёшлар Иттифоқи, фахрийлар кенгаши, касаба уюшмалари кенгашлари билан алоқа суст. Сайлаб қўйиладиган партия органларида ҳам ана шу соҳалар ходимлари озчиликни ташкил этади. Бағдод туманида 126 та корхона ва муассаса бўлиб, улардан атиги 61 тасида ХДП бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатяпти, холос. Боз устига улардан 42 тасида ўтган йил давомида бирор киши партия сафига қабул қилинмаган.

Туман партия кенгаши Ўзбекистон зиёлилари илмий-маърифий уюшмаси туман бўлими билан ҳамкорлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Буни туманда зиёлиларнинг ХДПга муносабатидан ҳам билиш мумкин. Эллик нафар мактаб директоридан атиги 17 нафари, 2740 ўқитувчидан бор-йўғи 157 нафари партия аъзоси эканлигини қандай изоҳлаш мумкин? Туман соғлиқни сақлаш муассасаларидаги манзара ҳам яхшимас. 147 нафар шифокордан 14 нафаригина ХДП аъзоси, холос.

Худди шундай фикрларни ёшлар хусусида ҳам айтиш мумкин.

— Камчиликларни тан оламиз. Эндиликда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликнинг янги-янги қирраларини излашга киришамиз,— дейди туман кенгашининг биринчи котиби Дамирахон Юсупова.— Бу ҳамкорлик Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида, Ўзбекистон Олий Мажлисига сайловлар арафасида жуда асқотишини юракдан ҳис қилиб турибмиз.

Халқимизда «ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи» деган нақл бор. ХДП Бағдод туман кенгаши бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳам ҳамкорликни кучайтиради, деб умид қиламиз.

Шавкат ИСРОИЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

АТОҚЛИ БАСТАКОР ЮБИЛЕЙИ

Алишер Навоий номидаги академик давлат Катта театрида Ўзбекистон халқ артисти, атоқли бастакор Муҳаммаджон Мирзаевнинг 80 йиллиги юбилей кечаси бўлди.

Республика Президентининг М. Мирзаевни Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев ўқиб берди ва санъаткорга Фахрий ёрлиқни топширди.

Тошкент шаҳри ҳокимлиги, республика Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа ижодий жамоа вакиллари бастакорни қутлуғ ёши билан муборакбод этди.

Таниқли санъаткорлар куй-қўшиқ, рақслари билан кечага файз киритди.

Юбилей кечасида республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев қатнашди.

ЎзА

• *Иқтисодиёт янгиликлари*

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Куни кеча Тошкент вилояти Зангиота тумани Республика «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма», «Ипак йўли» акционерлик тижорат банки Ўзтелерадио компанияси биргаликда ўтказаётган «Тадбиркор ва фермерлар» танлов кўрики якунланди. Танлов мутасаддилари — Ҳ. Икромов ва А. Азизов ғолиблар ва ғолиблар ниятларини таҳлиб, натижаларни эълон қилишди.

Энг яхши натижаларга эришган Зангиота тумани «Мурод—2» фермер хўжалиги бошлиғи Фурқат Мелиқуловга 1-даражали диплом, эллик миллион сўм фоизсиз кредит, Шаҳрисабз туманидаги фермер хўжалиги раҳбари Кўчар Жовлиевга 2-даражали диплом, ўттиз миллион фоизсиз кредит, Тошкент туманидаги АБР фирмаси директори Б. Обидов, Тошкент шаҳридаги ОРТОМЕДИК масъулияти чекланган жамият директори М. Дўстмуродов, Наманган вилоятидаги «Косонсойчи» кичик корхона директори Ф. Адашевларга 3-даражали диплом, йигирма миллион сўмдан фоизсиз кредит берилди.

Ишлаб чиқаришдаги амалий натижаларига кўра биринчи ўринга Наманганда «Ким ошди» савдосида Тўрақўрғон ресторанини тўрт миллиард сўмга сотиб олган Бозорбой Маҳмудов сазовор бўлиб, икки миллион сўм нақд пул мукофоти оладиган бўлди. Иккинчи ўрин ва бир миллион сўмга Тошкент туманидан кошин ишлаб чиқаргани учун Б. Абдуазимов эга бўлди.

Шуннингдек, 25 кишига юз минг сўмликдан «Ипак йўли» банки акцияси берилади.

О. ВУРИ.

• *Мустақиллик ғурури*

Ўзбекистонимизнинг давлат мустақиллигига эришиши бошқа тушунчалар қаторин Ватан тушунчасининг ҳам моҳиятини ўзгартириб юборди. Эндиликда Ватан деганда аллақандай мавҳум, ўзимиз билмаган, олис-олислардаги сарҳадларни эмас, балки ота-боболаримиз қадимдан яшаб келган муқаддас юртни, сахий она заминимизни тушунамиз.

Одатда Ватан танланмайди, Ватан инсонга ато қилинади. Шу маънода авлод-аждодларимиз ўзлари таваллуд топган заминни айрича меҳр билан севганлар, уни гуллаб-яшнатишга интилганлар. Юртни боғлиб олмоқчи бўлганларга қарши ҳаёт-мамот жанглари олиб бориб, бу йўлда жонларини фидо қилишга тайёр турганлар.

ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Жаҳонга буюк зотларни берган юрт ҳеч қачон завол кўрмаслигини юракдан ҳис қилиб яшаш, ишлаш лозим. Юртбошимиз кўп бор таъкидлаганидек, Ўзбекистон—келажаги буюк давлат. Бу гап шунчаки айтилган гап эмас. Минг-минг йиллик тарихдан, халқимиз салоҳиятига ишончдан, қолаверса, серқуёш заминимиз имкониятларига таяниб чиқарилган одилона хулоса бу.

Албатта, «Ватан—Ватан» дея кўкракка ураверган билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Буни халқимиз мустақилликнинг дастлабки дамларидаёқ тушуниб ета бошлади. Шу маънода миллий қадриятларимизни қайтадан тиклаш борасида катта ишлар қилинди. Яқинларимизнинг таъзиясига боришга ҳам чўчиб қолгандик. Кишиларга эътиқод эркинлиги қайтариб берилиб, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини дам олиш куни сифатида белгилаш юзасидан Ўзбекистон Президентининг фармонлари чиқди. Камситилган тилимиз Давлат мақомини олди. Миллий байрамларимиз сафига Мустақиллик куни ва Конституция байрамлари қўшилди.

Туманимизда Наврўз шодиёнага айланди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказилган «Ватанни севмоқ иймондандур» кўрик-танловининг биринчи босқичи якунланди. Иккинчи босқични Мустақиллик байрамида сарҳисоб қиламиз.

«Бугдой нонинг бўлмаса ҳам бугдой сўзинг бўлсин», деганлар. Туманимизда миллий қадриятларнинг равнақ топиши, халқимиз ўртасида аҳиллик, тинч-тотувлик барқарор бўлиши йўлида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳар бир байрамда Уруш ва меҳнат фахрийлари, кам даромадли оилалар, кўнгли ярим кишилар албатта йўқланади. Имкон қадар уларга моддий кўмак беришни анъанага айлантирганмиз.

Энг муҳими, бозор иқтисодиёти қийинчиликларини рўкач қилмасдан, аҳолининг турмушини яхшилаш, ижтимоий муҳофазани кучайтириш бўйича изчил иш олиб борилаётганлигидир. Фаровон турмушни эса обод маскан, озода-саришта хонадон, кўркам маҳалласиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис аҳоли пунктларини ободонлаштириш ҳокимлик фаолиятида асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Бу борадаги кенг кўламли ишларимизнинг эътирофи сифатида ўтган йилларда ободонлаштириш бўйича ўтказилган вилоят кўрик-танловида фахрли биринчи ўринни олганимизни, бу йил ҳам ана шу юксак номни сақлаб қолиш учун курашаётганимизни таъкидламоқчиман. Зеро, Ватан остонадан, ўзимиз яшаб турган маҳалладан бошланишини бир дақиқа ҳам унутмаслигимиз керак. Ўзинг яшаб турган гўша, юрт ҳақида ўзгалардан илиқ гаплар эшитиш киши қалбига қувонч бахш этади.

Кейинги пайтларда Зафаробод қўрғонида ҳам анчамунча ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Замонавий усти ёпиқ бозор қурдик, автовокзал ишга тушиш арафасида. Чойхона, ҳаммом қурилишлари давом этяпти.

Давр тадбиркорлик билан иш юритишни тақозо қилмоқда. Туман ишлаб чиқаришида қишлоқ хўжалиги асосий тармоқ ҳисобланса-да, биз саноатни, айниқса, ўзимизда етиштириладиган маҳсулотларни қайта ишлайдиган, тайёр маҳсулот ҳолига келтирадиган тармоқларни бунёд қилишга интилямиз. Бу борада дастлабки қадамлар ташланиб, Хитой технологияси асосида ёғ ишлаб чиқариш корхонаси, Италия дастгоҳлари билан жиҳозланган макарон цехи ишга туширилди. Бельгия технологияси бўйича ишлайдиган гишт заводи синовдан ўтди. Нон ёпиш учун Туркиядан келтирилган асбоб-ускуналар ўрнатиб бўлинди. Жиззахдаги «Сўғдиёна» фирмаси билан ҳамкорликда ўнлаб тикув дастгоҳлари келтирилди. Шу асосда жемпер тўқиш цехини ишга туширяпмиз. Туркиянинг «Бурсел» фирмаси билан трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш корхонаси очиш тўғрисида келишувга эришилди. Бу йил туманимиздаги Алексеевский номли хўжаликда Хитойда ишлаб чиқарилган ускуналар ўрнатилган корхона иш бошлайлди. Шу тариқа шиша идишлар ўзимизда ясаладиган бўлди.

Айни пайтда туманда 48 фермер (деҳқон) хўжаликлари, 9 хусусий корхона, 15 кичик корхона, 5 мойжувоз ишлаб турибди. Мен бу рақамларни беҳудага келтираётганим йўқ. Одамларимиз учун қўшимча иш ўринлари юзага келтириш йўлидан боряпмиз. Негаки, оиласи фаровон, ишдан кўнгли тўқ одамгина Ватанга меҳр, келажакка ишонч билан қарайди.

Туманимизнинг ташкил топганига 20 йилдан ошди. Бу маскан чўл қиёфасини аллақачон йўқотиб, минглаб ёшларимиз учун киндик қони тўкилган Ватанга айланган. Ёшлар юртни ўзгача меҳр билан севадилар. Унинг обод ва кўркам бўлиши учун меҳнат қиладилар. Бу борада кексалар, маҳалла оқсоқоллари, раҳбарлар ёшларимизга бош-қош бўлишяпти. Ҳар йили баҳор ойлари аҳоли пунктларида халқ ҳашарлари уюштирилиб, мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилмоқда.

Эсимда, туманга ишга келган йилим баҳорда оқсоқоллар билан маслаҳатлашдик. Маъмурий бинолар олди, йўл ва ариқ бўйларидаги бўш жойларга терак экишни бошлагандик. Бугун кўп жойларда, масалан, С. Раҳимов номли ширкатлар бирлашмасида ана шу тераклар баравж ўсаяпти. Ҳадемай иморатбоп ёғоч бўлиб, одамларнинг фикр юритар эканман, атайлаб туманнинг ишлаб чиқариш режалари ҳақида тўхталмадим. Зеро, Ватанни севган ҳар бир фуқаро унинг истиқболи, ободлиги йўлида жон койитишига ҳеч шубҳа йўқ. Шундай экан, ҳамюртларимиз юрагида Ватанни севиш ҳиссини уйғотайлик. Аҳоли кўнглида республика тараққиётига кўпроқ ҳисса қўшиш истаги бўлган яшаш туйғусини тарбиялаш керак. Токи, туман тақдири учун масъул раҳбарлардан тортиб, яратиш ишқи билан ишлаётган ишчи-деҳқонга қадар ўзини макон тақдирига жавобгар деб билсин. Эзгу ишлар, савоб юмушлар ишқида меҳнат қилсин. Истиқлолни англай олмаган, истиқболни ўйламаган инсон шу туйғулардан маҳрурлана олмайди, ўзлигини ҳам англолмайди, бошқалар меҳнати маъноси, қадрини ҳам билмайди.

Халқимиз — меҳнаткаш, оилапарвар, зийрак ва зукко. Фуқароларимиз эътиқодларини мустаҳкамлаш, яратувчилик саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш кунига ярайди. Бу йил барча хўжаликларда махсус майдонларда теракзорлар бунёд қилдик. Бинолар атрофига, йўллар-ариқлар ёқасига мевали дарахт кўчатлари экилди. Шу билан бирга, терак кўчатларини бехато кўкартириб олиш режасини ишлаб чиқдик.

Мен Ватанни севмоқ иймондан эканлиги тўғрисида долзарб вазифалардан ҳисобланади. Биз, раҳбарлар ва оқсоқоллар одамларга тўғри маслаҳат, ишонарли йўл-йўриқ, амалий кўмак кўрсатишимиз керак. Токи, шу кеча-кундуздаги вақтинчалик қийинчиликлар уларни тушкунликка тушириб қўймасин. Раҳбар ходимлар бир ҳақиқатни тўғри тушунишлари керак. Маблағларни тежаш мақсадида ходим ва ишчилар сонини қисқартиришни ўйлаб юрган раҳбарлар катта хато қилишади. Бунинг ўрнига ҳамма жойда одамларни бунёдкорликка, ободонлаштириш ишларига кенг жалб қилиш лозим.

Бир нарсани афсус билан таъкидлаб ўтиш жоизки, орамизда чўлда муқим яшаб қолмайман, деган кайфиятда умрини беҳуда ўтказаётган, уйи атрофида, ҳовлисида битта дарахт кўкартирмаган одамлар йўқ эмас. Ундайларга: «Дарахт бир жойда кўкаради», деган нақлни эслатиб ўтмоқчиман. Шахсий томорқалардан оқилона фойдаланиш, рўзғор учун зарур маҳсулотларни ўзи етиштириш ҳаракати одамларимиз онгига тўла сингмас экан, иқтисодий етишмовчиликларга тўла барҳам бериб бўлмайди. Шу маънода туман ҳокимлиги жойларда томорқа ерларидан қандай фойдаланилаётганлигини кўриб чиқишни кечиктирмаслиги керак, деб ўйлайман.

Ватанимизга соғлом, теран фикрли, маънавий жиҳатдан баркамол, меҳнатда чиниққан ватанпарварлар керак. Бу эса ҳар бир оила, мактаб муассасалари ва раҳбарлар зиммасига улкан вазифалар юклайди. Ёшлар ўртасида бекорчилар, ўғрилик, майда безорилик фактлари ҳамон учраб турибди. Бу эса тарбиявий ишларимиз қониқарли эмаслигидан далолат беради. Шундай экан, ёшларни кўпроқ ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш, айниқса, Ватанимиз тарихи, уни севиш ҳақида суҳбатлар уюштиришни доимий ишга айлантиришимиз зарур, деб ҳисоблайман.

С. АБДУСАТТОРОВ, Жиззах вилояти Зафаробод тумани ҳокими.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

● Гулистон шаҳрида «Бўш иш жойларига марҳамат» шиори остида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Шу куни шаҳардаги бўш иш жойларига эга бўлган 40 дан ортиқ ташкилот вакиллари одамларни ишга таклиф этдилар. Шаҳар ҳокимлиги ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, иш билан таъминлаш бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган бу ярмарка кўпчиликнинг эътиборини тортди. Бу тадбирни анъанага айлантириш кўзда тутилаётир. Меҳнат ярмаркалари Сирдарё вилоятининг бошқа шаҳарларида ҳам ташкил этилади.

Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

АВТОМОБИЛЛАР ГАЗ БИЛАН ИШЛАМОҚДА

Бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш даври Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш, таъминот ва тузатиш вилоят бирлашмасининг Уйчи туманидаги автокорхонаси жамоасини тадбиркорлик ва темажкорликка ундади.

Эндиликда бу ерда юк автомобилларининг газ билан ишлашга ўтказилиши бунинг тасдиғи. Газ ёнилғисига мослаштирилган мосламанинг жорий этилиши корхонага кўплаб бензин ва ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб қолиш имкониятини туғдирди.

Ҳозир корхона таъмирлаш устахонасида иш қизғин. Махсус газлаштирувчи мутахассис Ҳожиакбар Қирғизов, ёрдамчиси Неъматжон Тиллабоевлар автомобилларни газ билан ишлашга ўтказишда тинмай изланмоқдалар.

Муҳими, бу хайрли тадбир «Ўзавтотранс» корпорацияси томонидан қўллаб-қувватланди. Эндиликда қўшни Чортоқ ҳамда Поп туманлари ҳайдовчилари уйчилик ҳамкасблари изидан бормоқда. Назаримда, халқимизда «Излаган имкон топади», деган нақл ушбу ташаббускор корхона тадбиркорларига айтилгандек.

Муҳайё ТУРҒУНОВА.

• *Ҳуқуқий меросимиз*

БУРҲОНИДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ.

«ҲИДОЯ»–МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ ЁДГОРЛИК

Илгари хабар бергандик. «Ўзбекистон» нашриёти Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя. Мусулмон ҳуқуқига шарҳлар» номли асарининг 1-жилдини босмадан чиқарди. Бу китоб аслида 4 жилддан иборат.

Бутун мусулмон дунёсида тан олинган бу асарни таниқли ҳуқуқшунос олим Акмал САИДОВ нашрга тайёрлаган, кириш сўзи, шарҳлар ёзиш билан бирга рисолага масъул муҳаррирлик ҳам қилган.

Қуйида шу асар муаллифи ва унинг ўзи ҳақида фикр юритилади. Қимматли тарихий далил-ашёлар устида сўз боради.

Ўзбекистонда маданий-маънавий уйғониш бебаҳо тарихий меросимиз, миллий қадриятларимиз негизларини чуқур англаш ва билишни талаб қиладиган улкан бир ишдир. Бизнинг маънавий, ҳуқуқий маданиятимиз миллий ифтихоримиз манбаидир. Зотан ўзбек халқи ўз бой меросидан ҳуқуқни англаш ва қонунга сўзсиз итоат этишга оид ниҳоятда қимматли хулосани чиқариб олган. Бу эса Ўзбекистоннинг буюк келажагини қуришнинг асосий тамойилларидан биридир, ўзбекларнинг миллий ҳуқуқий ҳис-туйғулари асосини ташкил этади.

Мустақил ўзбек миллий давлатчилигининг маънавий-ҳуқуқий пойдевори жуда қадимий ва мустаҳкамдир. У салкам 3 минг йиллик тарихга эга. Қадимий Турон, Моровроуннаҳр, Туркистон ҳудудида равнақ топган давлатлар жаҳон маданиятини ривожлантиришда ёрқин из қолдирган.

Бизнинг давлат ўзида қўҳна Сўғдиёна ва Хоразмдан бошлаб Сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Темур ва темурийлар давлатлари ва ўзбек хонликларининг давлат бошқарув тажрибасини, халқимиз бутун миллий тарихий, ҳуқуқий, маънавий амалиётини ҳамда унинг ўз мустақил давлатига эга бўлиш каби асрий орзуларини мужассамлаштирган.

Ўрта асрларда бизнинг ўлка, Амударё билан Сирдарё оралиғи, араблар томонидан Моваройнаҳр деб аталган. У турли халқлар ва мамлакатларни Ислом дини теварагига бирлаштирган буюк Шарқ цивилизациясига шу ном билан кирган. Бу ҳудудда яшаб, ижод этган буюк аждодларимиз истеъдоди ва донишмандлиги, эзгулик ва инсонийликка интилиши юртимизни бутун жаҳонга танитган.

Кўҳна ва навқирон ўзбек давлати азалдан Буюк ипак йўли, яъни савдо-сотиқ, маданият, турли миллат ва динлар кесишган заминда жойлашган. Шунинг учун машҳур карвонсаройларда доимо турли миллат вакилларининг турли тиллардаги суҳбатини эшитиш мумкин бўлган. Тарихан бизнинг ўлкада аҳоли турли динларга эътиқод қилган. Аммо уларнинг ўзаро тинч-тотув, осойишта турмуш кечиришининг муҳим омили шу яшаётган она заминга ҳурмат, садоқат, муҳаббат бўлган. Ватанпарварлик туйғуси барча-барчани жипслаштирган.

Албатта, бу ўлка муайян аниқ ҳуқуқий қоидаларсиз яшай олмас эди. Бундай қоидалар араблар келгунга қадар ҳам мавжуд бўлган. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»га асосланган ҳуқуқ қоидалари ҳаракатда бўлган. Қадимги Юнон ва Румон ҳуқуқий ғоялари, шаҳар-давлатлари, Бақтрия, Парфян подшолиги, Кушонлар давлати, Турк ҳоқонлиги ҳуқуқий нормалари ҳам ҳуқуқий меросимизнинг ажралмас таркибий қисмидир.

Моваройнаҳрда ислом ҳуқуқи — шариат IX—XII асрларда Шарқ ёки мусулмон Ренесанси («Уйғониши») даврида чинакам равнақ топган. Муқаддас Қуръони карим сура ва оятлари бевосита қўлланиладиган ҳуқуқ бўлган эмас эди ва бўла олмас эди. У асосан маънавий-ахлоқий ҳуқуқ эди. Шариат кўпдан-кўп ёзма ва оғзаки диний, маданий, ахлоқий, ҳуқуқий ва маҳаллий анъаналар таъсири остида шаклланган. Шариат янги изчил ҳуқуқий тизим сифатида тахминан XI асрда аш-Шарийада (арабча «тўғри йўл») барқарор шаклга кирди. Шариат — бу ислом аҳлоқий қадриятлари ва мусулмон ҳуқуқи фалсафасидан иборат. «Шариат ўз тубида илоҳий ҳуқуқ дурдоналарини (фиқҳни) яшириб ётган океанга ўхшайдики, уларни юзага чиқармоқчи бўлган одам катта хавф-хатарни бўйнига олиб, шариат донишмандлигининг тубсиз қаърига тушмоғи лозим бўлади», — деб ёзган эди рус исломшуноси Н. П. Остроумов.

Фиқҳ — мусулмон қонуншунослиги — Шарқ халқлари ва ислом маданияти эришган буюк ютуқлардан ҳисобланади. У нафақат диний муаммоларни, балки мўмин мусулмонларнинг бутун турмуш тарзини ҳам ўз ичига қамраб олган. У Ўрта Осиё халқлари, юнон ва румон, форс ва ҳинд маданияти намуналаридан келиб чиққан ҳолда умуминсоний ахлоқий-ҳуқуқий қадриятларни ҳам ўзида мужассам қилган.

МОВАРОУННАҲР ФИҚҲ МАКТАБИ

Ҳар бир мамлакатнинг ҳуқуқи унинг миллий мероси ва бойлигининг узвий ажралмас қисми бўлиб, шу маънода миллий ҳуқуқий анъаналар, қарашлар, ғоялар мажмуидан иборатдир. Шунинг учун ҳам Моваройнаҳр ҳуқуқини шариатсиз, мусулмон ҳуқуқисиз тасаввур этиб бўлмайди. VIII асрнинг охири — IX асрнинг бошларида Моваройнаҳрда шариатнинг ҳанафия мазҳаби тарқала бошлади. Шу таълимот асосида Моваройнаҳр фиқҳ (мусулмон ҳуқуқшунослиги) мактаби шаклланди. Бу мактаб бутун мусулмон дунёсида шуҳрат қозонди ва тан олинган.

Моваройнаҳрлик фақиҳлар (ҳуқуқшунослар) ўзларининг чуқур билимлари, машҳур асарлари билан шариат алломалари ичида обрў топганлар. Уларнинг нафақат Моваройнаҳр, балким бутун мусулмон дунёсининг маънавий-диний-ҳуқуқий ҳаётига таъсири улкан бўлган. Моваройнаҳр фиқҳ мактаби намоёндалари шу ўлка халқлари ҳуқуқий анъаналари, урф-одатлари, расм-русумларини умумислом нуқтаи назаридан таҳлил қилганлар. Уларнинг шундай тарихий хизматлари натижаси ўлароқ Моваройнаҳр халқларининг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий анъаналари ислом маданиятида, шариатда ўз аксини топди. Бу эса ўз навбатида исломнинг муайян аниқ бир тарихий миллий шароитларда ўзига хос шаклининг қарор топишига олиб келди. Худди шунинг учун ҳам Ислом Моваройнаҳр халқларининг нафақат динига айланди, балким у шу ўлка халқларининг турмуш тарзига ҳам айланди, маҳаллий муҳитга сингиб кетди.

Моваройнаҳр фиқҳ мактаби намоёндалари бой ёзма мерос қолдирганлар. Фиқҳ бўйича қўлланмалар, фатво тўпламлари, таржимаи ҳолга бағишланган рисолалар, ҳуқуқий масалалар бўйича турли ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Моваройнаҳрда фақиҳлар маънавий баркамол, зўр иззат-ҳурматга сазовор, чуқур ақл-заковатга ва зарур маънавий фазилатларга эга бўлишлари даркор бўлган. Фақат шундагина фақиҳ шариат мазҳабларининг бир-бирига ўхшамайдиган ва кўпинча бир-бирига зид кўпдан-кўп муҳокамалари ва қоидаларидан низоли ишга мос келадиган ечимни топа олар эдилар.

Моваройнаҳр фиқҳ мактаби таниқли фақиҳ алломаларнинг хулоса ва фикрларига ҳамда маҳаллий ҳаёт ҳақиқатларига таяниши билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам Моваройнаҳр ҳанафия мазҳабининг марказларидан бўлган. Моваройнаҳрлик фақиҳлар шариат қоидаларини муайян изчил тизимга солишда, умумлаштиришда фаол иштирок этганлар. Бутун мусулмон дунёсида танилган 6 та ҳадислар тўпламидан 2 таси ватандошларимиз имом Исмоил ал-Бухорий ва имом ат-Термизий қаламларига мансубдир.

Мусулмон дунёсида машҳур бўлган қуйидаги моваройнаҳрлик фақиҳларни кўрсатиш мумкин: Абу Ҳафс ал-Бухорий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абу-л-Лайс ас-Самарқандий, Абу-Бакр ал-Бухорий, Шамс ул-а'имма ал-Ҳалвоний, Шамс ул-а'имма ас-Сарахсий, Фахр ул-ислом ал-Паздавий, Ифтихор уд-дин ал-Бухорий, Фахр уддин Қозихон, Шамс ул-а'имма ал-Кардарий ва бошқалар. Буларнинг ичида фақиҳ Али ибн Абу-Бакр ибн Абдул Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний муҳим ўрин тутади.

БУРҲОНИДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙ — БУЮК ҲУҚУҚШУНОС

Буюк олим, машҳур фақиҳ 1123 йил 23 сентябрда Марғилонда таваллуд топган (ҳозирги Марғилон шаҳрини ўрта асрларда араблар Марғинон деб аташган). 1197 йил 29 октябрда 74 ёшида вафот этган. Бу зотнинг қабрлари Самарқандда Чокардиза қабристонидадир. У олий мусулмон илмларини Риштонда, Марғилонда, Бухорода, Самарқандда ва Моваройнаҳрнинг бошқа шаҳарларида олган. У мусулмон ҳуқуқи ҳанифия мазҳабининг буюк назариётчиси ва амалиётчиси бўлиб етишган. У ҳақда Абд ул-Ҳай ал-Ланкави шундай деб ёзган: «у имом, қонуншунос бўлган. Ҳадислар билан шуғулланган. Қуръонни ёд билган ва унга шарҳлар берган. Илмларни йиғган ва муайян фан тизимига келтирган. Ниҳоятда зукко ва синчков тадқиқотчи ва ҳужжўй пок инсон бўлган. Фан ва адабиётда тенги йўқ буюк ҳуқуқшунос, адабиётшунос ва шоир бўлган». Шунинг учун ҳам у кишини Бурҳон уд-дин ва-л-милла деган шарафли ном билан аташган. Милла—дегани олимни улуғлаб, уни мусулмон дунёсидаги халқлар ҳамда ислом динининг далили, исботи деб улуғлашдир. Бир сўз билан айтганда бу фақиҳ бутун дунёга Бурҳониддин-ал-Марғиноний номи билан машҳурдир. Шу сабабдан буюк мутафаккир-алломаларимизнинг ажойиб анъанасини, яъни ўз исми-шарифидан сўнг туғилиб ўсган жой номини қўшиб ёзишдек одатларини тикласак айни-муддао бўлур эди. Улар бу билан бутун жаҳонга киндик қони тўкилган ерни — она-Ватанни билдирганлар. Таваллуд топган заминга, авлод-аждодлар руҳи-покига бундан ҳам ортиқ чуқур ҳурмат ва эҳтиром бўладими?!

Бурҳониддин Марғинонийнинг авлодлари қўзга кўринган мусулмон қонуншунослари бўлганлар. У ҳам оилавий анъаналарни давом эттирган. Унинг бевосита ворисларидан мулла Исомиддин XV асрда Мирзо Улуғбек давлатида шайхулислом бўлган.

Бурҳониддин Марғиноний мусулмон илмларини чуқур эгаллаган. Ўз замонасининг энг кўзга кўринган мударрисларидан сабоқ олган. Масалан, ҳадислар илмини ватандошимиз буюк муҳаддис имом Абу Исо ат-Термизийнинг ҳадислар тўпламларидан ўрганган. Фиқҳ илмини эса машҳур фақиҳлар Нажмуддин Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафи, Хусамуддин Умар ибн Абдуллах ибн Умар ибн Мааза, ас-Сарахси — Абу Умар Усмон ибн Али-Пойкандий, Тожиддин Аҳмад ибн-ал-Ҳусайн ал-Банадинжи, Аҳмад ибн Абд Рашид-ал-Бухорийлардан ўрганган. Унинг фақиҳ сифатида шаклланишида машҳур аллома Абу-л-Ҳасан ал-Қудурийнинг таъсири катта бўлган.

Бурҳониддин Марғинонийнинг замондошлари ва издошлари унинг чуқур билимларини эътироф этганлар ва жуда юқори баҳолаганлар. У ҳам шарқона анъанага кўра ўз мударрисларини чуқур ҳурмат эҳтиром ва миннатдорчилик билан тилга олган.

Бурҳониддин Марғиноний сунний шариати тўрт асосий мазҳаблари асосчиларининг, улар шогирдларининг асарларини қунт билан мукаммал ўрганган. Унга қадар яратилган асарлар муаллифларининг фикрларига таянган ҳолда бир қатор машҳур ишлар яратган. Булар жумласига «Бидоят-ал-мубтадий» («Бошловчилар учун дастлабки таълим»), «Кифоят ал-мунтаҳий» («Якунловчилар учун тугал таълим»), «Нашр ул-мазҳаб» («Мазҳабнинг ёйилиши»), «Китоб ул-мазид» («Илмни зиёда қилувчи китоб»), «Китоб ул-фароиз» («Фарзлар китоби»), «Мажма ул-навозил» («Нозил бўлган нарсалар тўплами»), «Маносик ул-ҳаж» («Ҳаж маросимлари»), «Китоб ул-машойиҳ» («Шайхлар ҳақидаги китоб») кабилар киради.

«ҲИДОЯ» — БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙНИНГ ШОҲ АСАРИ

Бутун мусулмон дунёсида тан олинган «Ҳидоя» асарини Бурҳониддин Марғиноний 1178 йили Самарқандда ёзган. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий 676 та таниқли фақиҳ ва мутасаввур олимлар таржимаи ҳолини ўз ичига олган «Кото»иб аълом ал-ахйор мин фуқаҳо' мазҳаб ан-Нуъмон ал-мухтор» («Ан-Нуъмон ал-мухтор (яъни Абу Ҳанифа) мазҳаби фиқҳларидан энг маълум кишиларининг табақалари» номли асарида «Ҳидоя»нинг яратилиши ҳақида Бурҳониддин Марғиноний қуйидаги сўзларини келтирган: «Абу-л-Ҳасан Али ибн Бакр ибн Абд ул-Жалил бир куни фиқҳ масалаларига бағишланган ҳажми унча катта бўлмаган, лекин мазмуни тўлиқ бўлган бир яхлит китоб зарур эканлиги ҳақида фикр билдирди. Ироққа сафар қилганимда у ерда «ал-Мухтасар ал Қудурий» («Қудурий қисқартмаси»)ни кўрдим. У фиқҳ бобида ажойиб асар эди. Бу пайтгача каттаю-кичик барча «Жомеъ ус-Сағир» («Кичик тўплам»)дан фойдаланар эди. Шунда фиқҳга оид барча асарларни жамлаб улардан энг зарур масалаларни олдим ва бу асарга «Бидоят ал-мунтаҳий» («Бошловчилар учун тугал таълим») деб ном бердим. Кейинчалик бу асарга шарҳ ёзиб уни «Кифоят ул-мунтаҳий» («якунловчилар учун тугал таълимот») деб номладим».

Кейинчалик бу асарларнинг ҳам ҳажми катта бўлгани учун, Бурҳониддин Марғиноний янада мўъжазроқ шариатнинг ҳанафия мазҳабининг фиқҳ масалаларида асосий қўлланмага айланган «ал-Ҳидоя» асарини ёзган.

Бурҳониддин Марғиноний «Ҳидоя» асарини яратишда «Қуръони карим, ҳадислар, дастлабки тўрт халифа саҳобаларнинг ривоятларига, сунний шариати асосий мазҳаблари — ханафия-моликия, шофеия, ҳанбалия — асосчилари Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит, Абу Абдуллоҳ Молик ибн Анас, Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофеий, Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн-Ҳанбалларнинг йирик асарларига, уларнинг шогирд ва издошлари имом Ёқуб ибн Иброҳим ал-Куфий, ал-Ансорий Абу Юсуф имом Абу Абдуллоҳ ибн Ҳусайн аш-Шайбоний (имом Муҳаммад), имом Абу-л Ҳазл Зуфар ибн Ҳазл (имом Зуфар)ларнинг асарларига таянган. Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизийнинг «Жомеъ ул Кабир» («Катта тўплам»), Абу-л Ҳасан Ал-Қудурийнинг «Мухтасар ал-Қудурий («Қудурий қисқартмаси»), Абу-л-Ҳазл Али ибн Муҳаммад Баздавийнинг «Мабсут» асарларига шариатнинг турли масалаларини шарҳи ва ечимини беришда ҳавола қилинади.

«Ҳидоя» (арабча тўла номи «Ҳидоя фи фуруъ ал-фиқҳ» — «фиқҳ соҳалари бўйича қўлланма») — тўғри йўлни бу ерда ҳуқуқий маънодаги тўғри йўлни кўрсатиш деган маънони англатади. Ислом дунёсида шу номда турли илмий ҳуқуқий тизимлар бўйича бир қанча қўлланма китоблар маълум. Булардан энг машҳури шариатга бағишланган икки тўпламдир. Бири Абу-л-Ҳасан ал Қудурий томонидан ёзилган бўлса, иккинчиси Бурҳониддин Марғинонийникидир.

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ёзилиш услуби бўйича ҳам ажралиб туради. Унда ҳуқуқий муаммоларнинг ечими даст аввал машҳур тан олинган фақиҳларнинг фикр-хулосаларини баён қилиш ва унга бошқа фиқҳ олимларининг эътирозлари ва қўшилишларини изҳор қилиш йўли билан берилган. Худди шундай умум эътироф этган баобрў фақиҳлар нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда муайян ҳуқуқий муаммонинг энг маъқул ечимини танлаб олиш мумкин бўлган. Шу йўл билан «Ҳидоя»да шариат қоидаларининг айнан ўзигина эмас, балким уларнинг мукаммал шарҳлари ҳам асосли равишда берилган.

«Ҳидоя»да шариат масалаларида муаллифнинг фикр ва хулосалари билан бирга, ҳанафийлар мазҳабининг барча имомлар, шунингдек бошқа мазҳаб вакилларининг мулоҳазалари ҳам баён этилган. Исломнинг асосий маросим талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий қоидалари, хусусан, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж, қурбонлик; оила-никоҳ масалалари билан боғлиқ бўлган қоидалар батафсил ёритилган; ҳуқуқий қоидаларни бажармаганлик учун жазо чоралари белгиланган. «Ҳидоя»да мулкий ва молиявий муносабатларга, жиноят ва жазо, гражданлик ҳуқуқи, суд ва процессуал масалаларга кенг ўрин берилган. Бундан ташқари унда урушлар, ўлжа олиш ва уни тақсимлаш, турмуш ва фаолиятдаги таъқиқлашлар, ижозатлар ҳақида ҳам батафсил сўз юритилади. «Ҳидоя» 4 жилддан иборат бўлиб, 56 бобга бўлинган, рус тилидаги нусха 1646 саҳифадан иборат.

«Ҳидоя» ҳанафийлар мазҳаби тарқалган бир қатор араб давлатларида, Африканинг айрим мамлакатларида, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Афғонистон, Хитой мусулмонлари орасида кенг тарқалган. «Ҳидоя» Октябрь инқилобидан илгари Ўрта Осиё, Шимолий Кавказ ва Волга бўйи мусулмонлари орасида асосий қўлланма сифатида хизмат қилган. Хорижий Шарқда шариат (хусусан ҳанафийлар мазҳаби) ўз таъсирини сақлаб келаётган мамлакатларда ҳозир ҳам «Ҳидоя»га муҳим қўлланма сифатида амал қилинади, мусулмон мадрасалари ва дорилфунунларида ўрганилади.

«Ҳидоя» бир қанча тилларга таржима қилинган. Ўтган асрда Ҳиндистондаги Британия ҳукуматининг фармойиши билан мазкур асар Бенгалияда арабча асл нусхасидан форс тилига, форс тилидан эса сэр Гамильтон томонидан инглиз тилига таржима қилинган. У 1893 йилда Тошкентда инглиз тилидан рус тилига Вишнегорский томонидан таржима қилиниб, Сирдарё вилоятининг собиқ ҳарбий губернатори, генерал Н. И. Гродеков таҳрири остида 400 нусхада нашр этилган. Бу таржима муайян камчиликлардан ҳоли эмас. Аммо унча тил билмаган мутахассислар ҳозиргача мурожаат этиб келмоқдалар.

Исломий қадриятларимизга қайтаётган, мустақил республикамизнинг миллий ҳуқуқ тизимини шакллантираётган, хорижий мусулмон давлатлари билан иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда алоқаларимиз ривожланаётган бир шароитда шариат мусулмон ҳуқуқ манбаларини чуқур ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Минг афсуски, «Ҳидоя» шу вақтгача ўзбек тилига таржима қилинмаганлиги, мамлакатимизда 1893 йилда рус тилида нашр қилинган «Ҳидоя»нинг ягона нусхаси ҳам муҳрланган темир сандиқда сақланиб келинганлиги сабабли кенг илмий жамоатчилик у ёқда турсин, ҳатто йирик ҳуқуқшунос олимлар ҳам уни ўрганиш имкониятига эга эмас эди. Бу ҳол ҳозир ҳам давом этмоқда эди. Унинг устига республикамизда рус тилидаги 1893 йил нашрининг яккаю-ягона нусхаси ҳам титилиб йўқ бўлиб кетиш хавфи остида эди.

Бугунги кундаги «Ҳидоя»ни ўрганишга ва унинг устида илмий тадқиқот ишларини олиб боришга бўлган эҳтиёжни, келажак авлодларни бу улкан меросдан маҳрум бўлишининг олдини олиш зарурлигини ҳисобга олиб, «Ўзбекистон» нашриёти бу бебаҳо маърифий, ҳуқуқий, тарихий ёдгорликни қайтадан рус тилидаги нашрининг 1-жилдини чиқарди. Бу китоб жамиятшунос, ҳуқуқшунос, тарихшунос, шарқшунос, диншунос ҳамда она-Ватан тарихи ва шариат билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

«Ҳидоя»нинг қайта нашр қилиниши ҳуқуқий анъаналаримизни тикланишига ёрдам беради. Тошкент Давлат юридик институтида ва Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Олий мактабида «Мусулмон ҳуқуқи асослари» фанини ўқитишда муҳим манба бўлади. Бундан ташқари, миллий ҳуқуқий тизимимизни шакллантиришда амалий ёрдам беради.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлари доктори, профессор.

ХАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Чирчиқ шаҳрида яшовчи Ҳайдаров давлатга тегишли уй-жойларни ҳозир ҳам хусусийлаштириб олиш мумкинми, деб сўраган.

— Ҳа, мумкин. Давлат уй-жой фондидан ижарага олиб яшаётган фуқаролар ўзлари эгаллаб турган ана шу уй-жойларни республикамизнинг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ўзига хусусий мулк қилиб олиши мумкин.

Янгиер шаҳрида яшовчи фуқаро А. Султонбековни уй-жойларни алмаштириш мумкинми, йўқлиги қизиқтиради.

— Фуқаролар уй-жойларини Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида бир аҳоли масканидан бошқа жойлардагисига ўзаро келишиб, алмаштириб олиши мумкин. Алмаштириб олиш тартиби фуқаролик қонунларида белгиланган қоидага риоя этилган бўлиши лозим.

Агар уй-жойлар давлат ва жамоат ташкилотларига тегишли бўлиб, унда фуқаролар ижарага турган бўлсалар, улар туман ҳокимининг уй-жойлар билан шуғулланувчи бўлимининг рухсатини олиши лозим бўлади. Бунинг учун уй-жойини алмаштириш ҳақида фуқаро ўз аризасига қўшиб яна шу хонадонга рўйхатга (пропискага) ўтган ва ўн саккиз ёшдан ошган оила аъзолари барчасининг бу ҳақдаги розилигини ёзма шаклда топшириши керак. Шундан сўнг фуқарога айирбош қилинган ордер ёзиб берилади.

Фуқароларнинг уй-жойлари хусусий мулк бўлса, улар ана шу уй-жойни айирбошлашни расмийлаштириш учун ўзлари истиқомат қилиб турган жойдаги давлат нотариал идорасига мурожаат қиладилар.

Нотариал идораси ходими уй-жойларни айирбош қилиш қонунга мувофиқ бўлса, шу айирбошлаш шартномасини гувоҳлантиради. Бунинг учун ҳам уй-жойни айирбош қилаётганлар ўн саккиз ёшга етган оила аъзоларининг ёзма шаклдаги розилигини олиб, уни нотариал идорасига тақдим этиши шарт.

Нотариал идораси гувоҳлантирган айирбошлаш шартномасининг бир нусха кўчирмасини туман ҳокимининг уй-жойларни қайд қилиш (БТИ) идорасига топширади. Бу идора уй-жойни алмаштирган шахсга шу уйнинг янги режасини (планини) чизиб, шу шахс номига ўтказиб беради.

Қашқадарё вилоятида истиқомат қилувчи фуқаро Т. Тошматов уй-жойларни ҳадя қилиш мумкинми! деган савол йўллабди.

— Фуқаролар ўзларининг хусусий мулки бўлган уй-жойларини қонунга мувофиқ ҳадя қилиши мумкин. Ҳадя қилиш учун шу ҳудуддаги нотариал идорасига мурожаат қилинади. Уй-жойларни ҳадя қилишда шу жойда рўйхатга (пропискага) ўтган ўн саккиз ёшга тўлган шахсларнинг ёки шу уй-жойга рўйхатга ўтмаган бўлса-да, унга нисбатан ҳуқуқи бўлган, вояга етган шахсларнинг, эр ёки хотиннинг ёзма шаклдаги розилиги олиниши лозим. Акс ҳолда эса тузилган шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Хусусийлаштирилган уйни сотиш тартиби қандай бўлади!

— Уй-жойлар бундай пайтда шу фуқаронинг хусусий мулки бўлиб қолади. Унинг эгаси ўз уй-жойини хоҳлагانча эгаллаши, фойдаланиши ва тасарруф этишга ҳақли. Албатта, хусусий мулкдан фойдаланиш давлат ва жамият манфаатига қарши, қонун талабларига ҳилоф бўлмаслиги керак. Демак, уй-жойларни сотиш ҳам ҳеч қандай қонунга хилоф эмас. Хусусий уй-жой эгаси ўз мулки бўлган уй-жойни хоҳласа сотади. Сотиш ҳақидаги шартномани гувоҳлантириш учун албатта нотариал идорага мурожаат қилиши, нотариал идора гувоҳлантирганидан сўнг шартнома кўчирмасининг бир нусхасини туман ҳокимининг уй-жойларни қайд қилиш (БТИ) идорасига топшириб, у ердан рўйхатдан ўтказилиши лозим. Акс ҳолда тарафлар ўртасида низо келиб чиққанида шартнома ҳақиқий ҳисобланмай қолиши мумкин.

Б. ИБРАТОВ,
Тошкент Давлат ҳуқуқшунослик институти доценти.

ДУНЁДАГИ ЯНГИЛИКЛАР ВА ХАБАРЛАР

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

ҚОЗОҒИСТОН ЎЗИНИНГ ДОРИ — ДАРМОНЛАРИНИ ЧИҚАРАДИ

ПАВЛОДАР. Иқтисодий танглик чуқурлашиб бораётганлигига қарамай Павлодарда медицина дори-дармонлари ишлаб чиқарадиган завод қурилиши бошланди.

Бу ерда «Медпрепарат» акциядорлик жамияти тузилди. Янги заводнинг ускуналарини тайёрлаш учун Россия ва Украинага буюртма берилди. Корхона бир миллион дона атрофида лидаза, саккиз миллион дона қадоқланган гематоген, ўнлаб бошқа дори-дармонлар тайёрлайди.

«ЖЕНЕРАЛ ЭЛЕКТРИК» ЁРДАМ БЕРАДИ

АШГАБАТ. Туркманистоннинг 2000 йилгача бўлган электр энергетикаси комплекси тараққиётининг кўрмана намойиши бўлиб ўтди.

Уни Туркманистон «Қувват» энерготехника корпорациясининг расмий маслаҳатчиси «Женерал электрик» компанияси делегацияси тайёрлади. «Устакорлик режаси» деб аталаётган бу лойиҳа мамлакатни индустриал тараққий эттиришни, аҳолининг 2000 йилгача бўлган даврида электр қувватига бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат. «Женерал электрик» компанияси электр станцияларни таъмирлашда, янги трансмиссион линиялар узатгичларини қуришда, бешта газ турбиналари қурилишида қатнашишни мўлжалламоқда.

АРАБ АМИРИ ТУРКМАН ЕТИМЛАРИГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛАДИ

АШГАБАТ. Бирлашган Араб Амирлиги ҳукуматнинг маблағига Ашгабатда 250 ўринли етим болалар комплекси биноларн қад кўтаради.

Маъмурий бино, болалар боғчаси ва спорт залидан ташқари бу ерда масжид ва ошхона ҳам қад кўтаради. Иккинчи объект — беш қаватли чиройли бино ғарижий ишбилармонларга қароргоҳ сифатида берилади. Бу бинони фойдаланишда тўпланадиган маблағ ҳам етим болаларга сарфланади. Туркманбошн бундай инсонпарварлик учун миннатдорчилик билдирди.

ТЕМИР ЙЎЛ ТЕХНИКАСИ АВСТРИЯДАН ОЛИНАДИ

АЛМАТИ. Қозоғистон темир йўл транспорти делегацияси Австриядан қайтиб келди.

У давлат иқтисодиёт ва транспорт секторининг Федерал вазирлиги вакиллари, Австриянинг темир йўл корхоналари ва фирмалари мутахассислари билан музокаралар олиб борди. Иккала томон Австрия ва Қозоғистон ўртасида темир йўл транспорти соҳасида кооперация тузиш тўғрисида шартнома имзоладилар. Австриялик шериклар темир йўл транспортининг турли соҳалари бўйича янги техника воситалари ва технологияни етказиб беради. Иккала томон республика темир йўл транспортининг таркиби тузилишини тадқиқ этиш борасида тажриба лойиҳаларини яратишга тайёр эканликларини изҳор этишди. Йўлларни яхши сақлаш учун ишлатиладиган машиналарни етказиб бериш ва Қарағанда металлургия комбинатида пўлат изларни чиқарадиган стан ишга туширилиши ҳақида келишилди.

НАРХ-НАВО ПАСАЙМОҚДА

БИШКЕК. Бишкекдаги бир қатор сабзавот дўконларн молларни бозор нархидан арзон ҳолда сотмоқда. Бу дўконлардаги сабзи ва картошка сифат жиҳатдан бозорникидан қолишмайди.

Бунинг сири жуда оддий. Ҳозирги пайтда энг қиммат нарса транспорт хизмати бўлиб қолмоқда. Бир қоп картошкани бозорга олиб бориш бир ёқда турсин, бир «КамАЗ» машина юкни пойтахтга ташиб келтириш хизмати баҳоси осмонбаравар.

«Бақай» акциядорлик жамияти бу минтақада қанд етказиб берувчи асосий фирма ҳисобланади. У ўз товарининг нархини камайтирди. Бу жамият воситачилик савдосидан воз кечганлиги туфайли молини арзон сота бошлади. Бундай мисоллар Қирғизистонда жуда кўп бўлмаса ҳам ҳар ҳолда эртанги кунга ишонч билан қараш мумкин.

ТУРКМАНБОШИ ҚИШЛОҚНИ ИСЛОҲ ЭТМОҚЧИ

АШГАБАТ. Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов мамлакат қишлоқ хўжалиги ходимлари билан учрашиб уларнинг олдига ҳозирги бор ганларни қўйди.

Даромадли хўжаликларнинг сони камайди, қарзга ботган хўжаликларнинг сони 328 тага етди. Туркманистонда ҳозиргача ҳам аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари билан таъминлашнинг уддасидан чиқилмади. Амалда эса бу ишни бажариш мумкин. Давлат ўтган йили озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга қарийб ярим миллион доллар сарфлади.

Ниёзов таъкидлаб ўтдики, маҳсулотлар давлат савдосини четлаб олибсотарларнинг қўлига ҳам ўтиб кетди, ҳатто четга ҳам ташиб кетилди. «Бундай давом этиши мумкин эмас,— деб таъкидлади Туркманбоши. — Ажойиб обҳавоси, иқлими, меҳнатсевар халқи бўлган мамлакат ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаши керак». Тинглочилар президентнинг сўзларини маъқуллашди. С. Ниёзовнинг гапига қараганда, аграр сектор бугунги кунда чуқур ислоҳот этилишига муҳтож. Туркманистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигина зарар кўраётган хўжаликларнинг рўйхатини тузиш вазифаси аллақачон топширилган. Уларнинг барчаси деҳқон бирлашмалари, акциядорлик жамиятлари ва ўртоқлик ширкатлари, кооперативлар ва мулкчиликнинг турли хил шаклларидаги турли ассоциацияларга айлантирилади. Ерлардан фойдаланиш ва тақсимлаш махсус инспекцияси тузилмоқда. Айни пайтда қишлоқда ислоҳот ўтказишни назорат қилиш ҳуқуқий идораларга топширилди.

(Марказий Осиё агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

• *Буюк Ғалаба куни олдидан*

ЙЎЛЛАРИНГДА УМИДИМ ҚОЛДИ

Хотира деганда бутун умр кўрган-билганларинг хаёлда сарҳисоб бўлади. Зеро, қарийб 50 йил муқаддам фашизм билан жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган юртдошлар менинг тенгқурларим эди. Она юртдан йироқда, хусусан Белоруссия, Украина, Россия ҳамда Польша, Чехословакия, Венгрия, Германия қишлоқларида Ватан деган жанг қилган ўзбек ўғлонлари бугунги мустақил Ўзбекистонни дилларига жо қилишган бўлса не ажаб. Ҳа, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Не-не асл йигитлар шаҳид кетишган. Аммо уларни ёд этиб, руҳларини шод қилиш биз фронтдошлару ёшларнинг бурчидир.



Оловли йиллар алангаси сўнганига ярим аср бўлмоқда. Ўлимларни доғда қолдирганлар «қирқ йил қиргин бўлса» деганларидек, бугунги кун шукуҳидан баҳраманд бўлиб турибдилар. Улар Ғалаба кунини зўр байрам қилишга ҳозирланмоқдалар. Бу қутлуғ кунга шайланиш, кутиб олиш эса ўзбек халқининг улкан зафарга қўшган ҳиссаси, фронт ортида туриб кўмак берганлар номларини улуғлашни ҳам тақозо этади. Ҳусусан, юртимиздан жангга отланган Тошкент вилоятининг 30 мингдан ортиқ ўғлони Ватанига қайтмаган. Уларни унутиб бўладими?

Йигитлар билан бўлган бир воқеа ёдга келади. Урушдан аввал 8-синфда ўқисам ҳам ёшим 17 ларда эди. Тошкентнинг Чилонзорида қариндошларимиз бўлиб, уларнинг боғ-роғларига тез-тез бориб турардим. Табиати сўлим, боғ-роғларга бурканган жойлар эди. Шунда икки йигит билан бир қизнинг сайрини кузатишга тўғри келган. Билсам улар мактабдош бўлиб, исмлари Одил, Ҳамид ва Назирахон экан.

Уруш бошланиб қолди. Мени ҳам армияга чақиришди. Тошкент пиёда-командирлари тайёрлаш ҳарбий мактабида Одил билан Ҳамидни учратдим. Дўстлашиб қолдик. Бизга чилонзорлик Исмоил деган йигит ҳам қўшилиб, суратга тушганмиз. Шу суратни қўлга олганимда ҳамон хаёлга ботаман. Гап шундаки, бу йигитлардан иккиси бедарак кетди. Мен билан Одил Маҳмудов юртимизга соғ қайтганмиз.

1943 йилнинг бошида қиш жуда қаттиқ келди. Қор ёғиб турганда қизил вагонларда йўлга тушганмиз. Курск ёйи жангларида мардонавор туришга тўғри келган. Ўзим 664-артиллерия полкида разведкачи бўлганман. Ҳамид, Одил, Исмоиллар 418-ўқчи полкда жанг қилишди. Кўрганларнинг айтишига қараганда Ҳамид жангчиларни ҳужумга бошлаб, хандақдан бир неча қадам ўтгач душман мергани ўқига учраган экан. Лекин унинг жасорати «Қизил байроқ» нишони билан тақдирланган. Бу қаҳрамонлик ҳақида дивизияда узоқ вақт гапириб юришди.

Уруш адолат учун жанг қилганлар фойдасига ҳал бўлиб, Ғалаба тантаналарини нишонлаб она-юртга қайтганимизда анча вақтгача алланечук аҳволга тушганман. Ўғлининг йўлларига кўз тиккан мунис онахон ва отахонларга тик қаролмасдим. Бойси, улар унсиз: «сен қайтдинг-у, болам қани?» деяётгандай бўлишарди. Одил ҳам ана шундай қийин вазиятни бошидан кечирган. У Ҳамиднинг онаси олдида Назирахонга бўлган муносабатдан ҳижолатда бўларди. Зеро, тақдири азал экан. Одил ҳам қизни Ҳамиддан кам севмасди.

Лекин Ҳамид билан жангда бўлган воқеани унинг онасига ҳам, одамларга ҳам борлигича тушунтириш, ишонтириш осон бўлмади. Ҳа, буни ҳаёт, дейдилар. Одил билан Назирахон турмуш қуришди. Бу воқеага ҳам неча ўн йиллар ўтишига қарамай, онанинг ўз дилбандидан умид узмай келаётгани кишини ҳайратга солади. У ҳамон эшикка кўз тикади. Ваҳолонки, Ҳамиднинг онасига ўхшаб фарзанд доғида қолганлар, қўлида гўдагани етим қилиб, кўзлари бўзлаган бевалар, қолаверса, севгилим қайтади, деб кутаётган қизларнинг ҳасратини адо қилиб бўлармиди?

Шунинг учун шаҳид кетганлар, халоскорлик йўлида қон тўкканлар хотираси мангудир. Тошкент вилояти бўйича урушдан қайтмаган эр йигитларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида, уларнинг номларини «Хотира» китобига киритиш йўлида саъй-ҳаракатлар қилмоқдамиз. Бунёдкор ёш авлод эса ота-боболари йўлидан бориб, истиқлол юртимиз мудофаа қўрғонини мустаҳкамлашда жасорат анъаналарига содиқ қолишларига шубҳа йўқ.

Акром АЛИМОВ,
Тошкент вилояти Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси.

● БИЗГА ЁЗАДИЛАР

МАҲАЛЛА НИМА ДЕРКИН?

Дарҳақиқат, бирор ишга қўл урмоқчи бўлганда уйда ота-она ёки оила бошқа аъзоларининг ҳам кўнглига ана шу савол келади. Чунки қўшнилар, маҳалладошлар ҳар қандай ишга биринчи бўлиб муносабат билдирадилар ва шу муносабат орқали кишиларнинг қадр-қимматини белгилайдилар. Шу боис биз маҳаллаларда мактаблар билан ҳамкорликда тарбиявий тадбирлар ўтказишга эътиборни кучайтирямиз.

Яқинда Сиёб туманидаги 31-мактабда ана шундай тадбирлардан бири ўтказилди. Унда муаллимлардан ташқари қўшни Халифа Иброҳим, Ҳазорбоғ, Беруний ва Садриддин Айний номли маҳаллалар аҳолиси иштирок этдилар.

31-мактаб директори М. Сатторов, маҳаллалар фаолларидан А. Ҳакимов, Ҳ. Зиёвуддинова, С. Шарипов, Халифа Иброҳим маҳалласи бошланғич партия ташкилоти котиби Х. Жамолов, Сиёб туман ҳокимининг ўринбосари М. Назарова ёшлар тарбиясида маҳалла ва оила ҳамкорлигини кучайтириш ҳақида мулоҳаза юритдилар, таклиф киритдилар.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси А. Мелиев тўпланганларга бошқа маҳаллаларда амалга оширилаётган эзгу ишлар, белгиланган тадбирлар хусусида гапириб берди, саволларга жавоб қайтарди.

Мирхат УМАРОВ,
Самарқанд шаҳри.

Гапнинг очиғи, бундай камгап одамни учратмовдим. У ёғини сўрасангиз, элнинг хизматида, ишқилиб озмикўпми танилиб ҳам қолган. Яна денг, Ўзбекистоннинг мана-ман деган дасталаридан бўлмиш «Лазги»нинг етакчи хонандаларидан.

Гулиммат Собиров... Уни кўпроқ Хоразмда, кейин Жиззахда танишади. Чунки ўзи Хоразмнинг Янгибозоридан. Пойтахтда маданият оқартув техникумини тугатгач Жиззахда вилоят филармониясида беш йилча ишлади. Шу-шу Ғаллаоролдами, Зоминдами, тўю томоша, маданий тадбир борки, у ҳам хизматда.

Биринчи устозлари Бозорбой Яхшимуродов, Болтабой Сафарбоев. Кейинчалик эса Ортиқ Отажоновга эргашди. Агар у киши ҳақида сўрасангиз, суҳбат ҳам жонланади: «Энди уста дим зўр-да. Туришиннан ўрганаман ҳатто». Ортиқ ака Гулимматнинг Тошкентга қайтишига туртки берган. Жиззахда 84-йилда бир учрашганларида айтган экан: «Мана, ишқилиб овозинг бор, истеъдодинг бор. Пойтахтга борсанг кўринасан. Меҳнатингдан рағбат топасан. Катта қозонда қайнаш бошқа-да!» Бир пайтлар Комилжон оға ҳам Ортиқ акага шу гапни айтган дейишади.

Гулиммат кўпроқ мақом йўлидаги ашулаларни айтишни яхши кўради. Баъзан Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров, Рўзиммат Жуманиёзовлар қўшиқларини узоқ-узоқ тинглайди. Ана шу дамларда шуурига оҳанглар сингади. Ўзига яраша қўшиқлар ҳам яратяпти. Кўпроқ ҳаво тўлқинларидан таралаётган «Зиёда ўйнар», «Нози ёндирди», «Куласан шўх-шўх», «Сочинг тараб кел» ашулаларини эшитгансиз. Баҳони ўзингиз бераверинг.

«КУЛАСАН ШЎХ-ШЎХ...»

• *Санъат* •

«Лазги» кўзга кўринган ансамблдардан. Чет элларда, хориждаги ватандошларимиз ўзбек мусиқа санъати дурдоналарини эъзозлаб, замонавий куй-қўшиқлар ижод қилаётган бу жамоани яхши билишади. Гулиммат жамоа билан Германия, Туркия, Тунис, Япония, Арабистон мамлакатларига сафарга борди. Ўша ижодий таассуротлари ҳам илҳом бериб туради унга. Японияга борганида у Фозил Ҳарратов номидаги Хоразм мусиқа билим юртида ўқиб кетган ёшлар билан учрашди. Санъатнинг буюк қудратини ҳам у ўшанда сезди.

Юртимизни ҳеч бир муболағасиз санъаткорлар мамлакати десак хато бўлмайди. Аслида гапнинг дангали, халқнинг ичида юриб, санъатнинг, қолаверса, ўзининг асл баҳосини хонанда ўша тўю шодиёналарда билади. Ёки айтарсиз, телевидениега тўрт-беш марта чиқиб ҳам таниқли бўлиб кетиш мумкин-ку, деб. Энди кунаро кўраверсангиз, кўзингиз ўрганадида. Лекин бу билан ҳалқни алдаб бўлмайди.

Гулиммат айтган қўшиқлар кўп. Лекин негадир радио фонотекасида уларнинг ўнга яқини ёзилган. Сабабини ўзи айтди: «радионинг хазинасида фақат сара қўшиқлар жамланиши керак». Каттаю-кичик санъаткорларнинг ҳаммаси қанийди шундай йўл тутса.

Уни очиғи, гапга сололмадим. Ким билади, дейсиз, балки катта ансамблнинг кичик ва камтарин аъзоси эканлигини ўйладими? Хижолат ила «устозларим Ортиқ Отажонов, Раҳматжон Қурбоновлар сабоқлари мактаб бўлаётир» деб қўйди.

Гулиммат Собиров катта йўлнинг бошида турибди. Манзил жуда узоқ ва завқли. У ёғи бахайр бўлсин.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД.

СПОРТ

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ»ДАН

● Яқинда Тошкент ва Самарқандда теннис бўйича «Буюк ипак йўли — Саттелит» халқаро мусобақаси бошланди.

Май ойи охирларида профессионал теннисчилар уюшмаси дастурига киритилган «Президент кубоги»га тайёргарлик босқичи бўлиб қоладиган бу мусобақага мухлису спортчилар қизиқиш билан қарашмоқда. 60 нафар теннисчи орасида Д. Томашевич, Т. Ғаниев, О. Огородов, Т. Хонхўжаев каби вакилларимиз бор. Мусобақа 4 ҳафта давом этиб, унда Буюк Британия, Италия, Швейцария, Чехия, Франция, Исроил, Покистон, Греция, АҚШ, Дания, Канада ҳамда МДҲ давлатларининг вакиллари иштирок этиши кўзда тутилган.

САФАР УЧРАШУВИДА

● Олий лига футбол жамоалари республика миллий чемпионатининг 6-тур ўйинларини ўтказишди.

Пешқадам «Нефтчи» футболчилари «Навбаҳор» майдонида 1:1 ҳисобида ўйнаган бўлсалар, пахтакорчиларнинг «Янгиер» майдонидаги учрашувида ҳисоб очилмади. Қолган учрашувлар қуйидагича ўтди: «Атласчи» — «Наврўз» — 1:2, «Орол» — «Чирчиқ» — 4:0, «Гулистон» — «Сурхон» — 1:0, «Темирйўлчи» — «Сўғдиёна» — 2:2, «Нурафшон» — «Трактор» — 2:0, «Политотдел» — МҲСК — 2:0.

Жамолар мавқеи

	Ю	Д	М	Т	О
Нефтчи	4	1	0	12-4	9
Нурафшон	3	2	1	10-4	8
Политотдел	3	2	1	8-4	8
Наврўз	3	2	1	6-5	8
Пахтакор	3	1	1	9-3	7
Навбаҳор	2	3	1	10-9	7
Сўғдиёна	2	3	1	7-6	7
Темирйўлчи	2	2	1	6-4	6
Трактор	2	2	1	3-3	6
Янгиер	1	3	2	5-5	5
Орол	1	2	2	5-5	4
Атласчи	1	2	3	5-9	4
Сурхон	1	1	4	5-9	3
Гулистон	1	1	4	1-7	3
МҲСК	0	3	2	3-7	3
Чирчиқ	1	0	5	4-15	2

ЎН БИР ЁШЛИ ЧЕМПИОН ҚИЗ

Избоскан туманидаги 22-мактаб ўқувчиси, ўн бир яшар шашкачи Дурдона Зайнобиддинова мутахассисларни ҳам, томошабинларни ҳам қойил қолдириб, Андижон вилояти аёллар биринчилигида ғолиб бўлди.

Дурдона ёш жиҳатидан ҳам, тажриба жиҳатидан ҳам ўзидан устун бўлган барча мусобақа иштирокчиларини ортда қолдириб кетди. Бироқ ҳам ўйинни ютказмаган бу қизалоқ 7 имконийтдан 6,5 очко тўпладi. Натижада у республика чемпионатида Андижон вилояти терма командаси сафида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

• *Соғлом авлод учун*

НАСЛИМИЗ АСЛЛИГИ — ДАВЛАТИМИЗ БОЙЛИГИ

Хаёлимда тиббиёт соҳасида эришилган ютуқларимизни бир дам кўз олдимга келтирдим. Бу энг аввало юртмизда халқ саломатлигини ижтимоий муҳофаза этишнинг давлат сиёсати аҳамиятига молик даражага кўтарилганлигидир. Шу сабабли кейинги уч йил мобайнида республикамизда саломатлик кўрсаткичлари анча яхшиланди.

Ўртача умр кўриш ўтган йили Россияда 69,6 ёшдан 66 ёшга тушиб кетган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 69,3 ёшга тўғри келди. Ёки гўдаклар ўртасидаги ўлим ҳар минг киши ҳисобидан 1992 йилги 37,3 нафардан 1993 йилда 31,6 нафарга, оналар ўлими эса, 79 нафардан 41,6 нафарга камайди. Бу кўрсаткичларга ўз-ўзидан эришилмади. Бу мустақиллигимизнинг дастлабки мевалари.

Маълумки, бир оилада аёл киши, айниқса она оламдан ўтса, бу нафақат ўша оила, балки жамият учун катта йўқотиш, фожиа. Унинг ортидан бир этак болабақра чирқиллаб қолади. Бундай кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олишда ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Президентимизнинг бу соҳадаги сиёсати, айниқса, жаҳондаги ҳеч қайси давлат ва жамиятда шу вақтгача бўлмаган «Соғлом авлод учун» нишонининг ягона Ўзбекистонда таъсис этилиши асосий ва муҳим омиллардан бири бўлди. Бу фақатгина кимларнидир моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришни назарда тутмайди, албатта. Балки, энг аввало ҳар бир ота-она, ўқитувчию тиббиёт ходими, тарбиячию раҳбарнинг келгуси авлод, қолаверса, жамият олдидаги инсонийлик, энг муқаддас бурчини яна бир бор равшанлаштиради. Зеро, ҳар бир юрт фаровонлигининг асосий мезони шу юртда яшаётган фуқароларнинг соғлиғи, саломатлиги билан ўлчанади. Шу маънода «Соғлом авлод учун» давлат дастурининг мақсади аниқ ва равшан: келажак насл соғлом, баркамол бўлмоғи учун бугунги болалар соғлом туғилиши керак. Шундай экан, бу эзгу мақсад йўлида республикамиздаги фарзанд кўриши мумкин бўлган 5,1 миллион нафар аёл синчковлик билан тиббий кўрикдан ўтказилди. Улар асосан уч гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳга соғлом аёллар киритилди. Касалликка чалинган иккинчи гуруҳ аёллар даставвал саломатлигини тиклаши керак. Оғир сурункали хасталиклари бор учинчи гуруҳ аёлларга умуман фарзанд кўриш тавсия этилмайди.

Илм-фан, олимларимизнинг шаҳодат беришларича, аёл кишининг она бўлишига энг қулай палла 20-35 ёшларга тўғри келар экан. Шу даврда аёлдан соғлом, эслиҳушли, дуркун, кўркам бола туғилади. Қолаверса, гўдакнинг соғлом ва бақувват ўсишида унинг она сутидан қанчалик баҳраманд бўлиши муҳим омилдир. Шу маънода ўтган йилни «Она сути билан боқиш йили» деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас. Афсуски, кўпчилик буни мавсумий тадбир деб ҳисоблаяпти. Она сутининг ўрнини табиатда ҳеч нарса боса олмайди. Қолаверса, кўкрак сути орқали болага насл-насабига хос ирсий хусусиятлар, меҳр-муҳаббат, мурувват, садоқат каби эзгу ҳис-туйғулар ўтадики, кейинги пайтларда жамиятимизда ҳукм сураётган бемеҳрлик, жоҳиллик, кўпгина салбий ҳолатлар айнан шу ноёб ҳис-туйғуларнинг танқислиги гўдакларнинг сўрғич ёрдамида вояга етганлиги оқибатидир. Шунинг учун ҳам доноларимиз: «Она сути билан кирмаган ақл, тана сути билан кирмас» дейишади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз баҳоли қудрат ҳар бир оилани ижтимоий муҳофаза қилиш, мустаҳкамлаш борасида барча зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Бироқ, айрим оилаларимиз давлат олдидаги ўз инсоний, фуқаролик бурчларини унутиб, жамият учун қандай фарзандларни дунёга келтиришаётгани ва уларни қандай тарбиялашаётганини чуқур англамай, масъулиятларини унутиб қўйишмоқда. Айниқса, вилоятларда қизларимиз балоғат ёшига етмасдан эрта узатилиб юборилмоқда. Турмуш қураётган йигит-қизларимиз бир-бириларининг саломатликлари билан мутлақо қизиқишмайди, шифокорлар кўригидан ўтишмайди, тегишли йўл-йўриқ, маслаҳат олишмайди. Бунинг устига кўпгина ёшлар яқин қариндош-уруғлар бўла туриб, никоҳдан ўтишади, оқибатда ирсият бузилмоқда. Бундай никоҳлардан туғилаётган гўдаклар эртага давлатни бой-бадавлат, қудратли қилишга қодирми ёки майиб-мажруҳ ҳолда дунёга келиб, ота-онасига ғамгусса, ташвиш орттириб, бир умр боқиманда бўлиб қоладими? Бу ҳақда умуман мулоҳаза юритишмаяпти. Бунинг устига устак, айрим ота-оналарнинг ичкилик, гиёҳвандликка ружу қилганликлари муаммони янада чигаллаштиради. Бундай мураккаб ижтимоий муаммолар билан фақат Соғлиқни сақлаш ҳамда Ижтимоий таъминот вазирлиги эмас, балки кенг жамоатчилик, маҳалла фаоллари, суд, прокуратура органлари ҳам шуғулланишлари лозим.

Бу борада Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қатор амалий чора, тадбирлар кўрилганига қарамай, кузатишлар шуни кўрсатадики, асосан кўп болали оилаларда, айниқса қишлоқ ва энг чекка жойларда мактаб ёшидаги болалар, ўсмирлар саломатлиги қўнгилдагидек эмас. Уларда бир эмас, бир неча турдаги хасталиклар мавжуд бўлиб, аллақачон сурункали тус олганлиги ташвишлидир. Армия хизматига боришлари туфайли ўғил болалар 16 ёшдан мажбурий равишда тиббий кўрикдан ўтганларида уларда турли хасталиклар борлиги илк бор аниқланиб, шошилинч ҳолатда соғломлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бироқ, айнан шу ёшдаги қиз болалар саломатлиги назоратдан четда қолаётганидан кўз юма олмаймиз.

Ёшларни Ватан, армия хизматига ёшлигидан, мактаб остонасидан ҳарбий-ватанпарварлик, бурчга садоқат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида тиббиёт ходимлари, Халқ таълими, Мудофаа вазирликлари, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, армияга кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти, оммавий ахборот воситалари, маҳаллакўй фаоллари, жамоатчилик олдида ечимини кутаётган муаммолар анчагина.

Табиийки, соғлом авлодни вояга етказиш учун соғлом турмуш тарзи, моддий, маънавий, маиший шарт-шароитлар зарур. Шуларни эътиборга олиб, республикамизда «Соғлом авлод учун» ордени ва шу номдаги Халқаро жамғарма таъсис этилди. Мазкур фармонга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган қарорига биноан даврнинг оғир иқтисодий қийинчиликларига қарамай, ҳукуматимиз бу жамғармага бир миллиард сўм ажратди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бу ташаббусни давом эттириб, юз минг АҚШ доллари ўтказди. Ҳиммат қилганлар орасида «Ўзбекнефть» концерни, Тошкентдаги «Туркистон» фирмаси бор. «Юлдуз» тикувчилик бирлашмаси ҳам хайрли ишдан четда қолмади. Ким Пен Хва номидаги халқ корпорацияси, Германиянинг «Экосан» жамғармаси ҳам маблағ ажратдилар. Наврўз жамғармаси бу йилги Наврўз байрамида «Соғлом авлод учун», «Оила» шиори остида телемарафон ўтказишга қарор қилганлиги, шунингдек, ота-онасиз қолган етим-есир болаларни йил бўйи ўз қарамоғига олажагини эълон қилди.

Бундай хайрли ташаббусни барча вилоят, шаҳар ва туманлардаги олижаноб, олийҳимматли инсонлар, корхоналар ва ташкилотлар қўллаб-қувватлашаётгани қувонарлидир. Бу маблағлар ёш авлодни соғломлаштириш миллий дастурининг она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, болалар муассасаларининг моддий-техникавий заминини мустаҳкамлаш, уларни замонавий асбоб-ускуналар, муолажа билан таъминлашга сарф этилади. Бу хайрли ишдаги барча куч-ғайратларни бирлаштириш, ҳамкорлик қилиш айни муддаодир.

Искандар РАҲМОН,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.



Самарқанд шаҳридаги кўз касалликлари вилоятлараро шифохонасида республикамизнинг турли бурчагидан келган юзлаб беморлар хасталиклдан форғ бўлиб кетади.

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу масканда ойига 400 бемор дардига даво топади.

Тажрибали мутахассислар беморларни касалликлардан халос этишда ўз билимларини аямаётирлар.

СУРАТДА: болалар кўз касалликлари врачи Нодир Расулов.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

• ҚУТЛОВ •

Азиз ва биз учун доимо меҳрибон адажонимиз **Қувондиқ ШАКАРОВ!**

Сизни 45-баҳорингиз билан қутлайман! Кўп йиллик иқтисодиёт соҳасидаги меҳнатингиз қадрини топаверсин. Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлиб, ҳисоб-китоб ишида бундан кейин ҳам зинҳор адашманг.

Меҳрибон аяжонимиз билан бахтли турмушингиздан фарзандларингиз ва невараларингиз ҳар доим қувонаверсин!

Сизга ҳурмат ила қизингиз: СИТОРА.

Республика прокуратураси матбуот маркази хабар қилади

САНДАЛДАГИ ЧЎҒ

НАМАНГАН вилоятининг Чортоқ туманида истиқомат қилувчи Абдуллажоновлар кунинг илиб қолишига қарамасдан ётиш олдидан сандалига кўмир чўғидан босишиб, уйқуга кетишди. Эр-хотин қайтиб кўз очишмади. Чунки, кўмирдан чиққан угар гази уларни бир умр уйқу оғушига олган эди.

ЧЎНТАКНИ УРДИ

НАМАНГАНнинг «Беруний—Сохили» автостанциясида шаҳарни зиёрат қилгани келган деҳқон Шмекулованинг чўнтагини уриб кетишди. Жабрдийданинг дод-фарёдига милиция ходимлари эътибор беришди. 19 баҳорни қаршилаган Дилмурод ушланиб, пул эгасига қайтарилди.

ЎҚ ЙИҚҚАН ЭКАН

БУХОРО шаҳрида яшовчи, 31 баҳорни қаршилаган Шуҳрат чет эл фильмларини кўп кўриши оқибатида жанговар қуроллар тўплашга шошилди. 10 дона «Макаров» тўппончаси ўқини йиққан эди, қўлга тушди. Унинг уйида ўтказилган тинтувдан сўнг ўқлар олиниб, тергов бошлаб юборилди.

ҲИБСГА ОЛИНДИ

Кимдир Бухоро вилоятининг Қоровулбозор тумани уй-жой коммунал хўжалигида ишловчи В. Крутаковнинг кўкрагига пичоқ уриб, жуфтакни ростлади. Жабрдийда тан жароҳати натижасида касалхонага етмасдан вафот этди.

Қонун посбонлари ишга тушдилар. Амалга оширилган тадбирлар натижасида қотил аниқланди ва ҳибсга олинди. У муқаддам судланган И. деган шахс экан.

БАХТИ ҚОЛМАДИ УНИНГ

САМАРҚАНД вилоятининг Ургут туманида истиқомат қилиб келган Шуҳрат Муҳамадиев шу йилнинг 9 март кунида энг оғир, жирканч жиноятни содир қилиб, ҳибсга олинди .У ёш қиз бахтига зомин бўлди.

Шуҳратнинг содир этган жиноятини тош-торозига солиш ва келгусида тегишли жазо бериш мақсадида Самарқанд ҳарбий прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тегишли тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ПОРАМИ, ПОРА

СИРДАРЁнинг Гулистон туманидаги Деҳқонобод қўрғонида фуқаро Қудратовдан 150000 сўм-купонни олаётган, ўзини қонун посбониман, деб юрган Тўлқин Умаров ушланди.

Вилоят прокуратураси томонидан олиб борилаётган тергов жараёнида аниқланишича, Умаров фуқаро Қудратовдан пора тариқасида 150000 сўм-купон олганлиги аниқланди. Бу ҳолатни ўзи ҳам инкор этмасдан кўрсатма бермоқда.

Муҳаммадали ТОШТЕМИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси бўлим прокурори.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Республика телевизион маркази жамоаси телеоператор Абдусамад Абсалямовга рафиқаси

Манзура АБСАЛЯМОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси жамоаси қўмитанинг бўлим бошлиғи, ҳайъат аъзоси

Рустам Бадалович МИРЗААҲМЕДОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асриддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисоднёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-46-24; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г — 939 тир. 85501.
Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, Р. ШОДИЕВ,

МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. топширилди — 22.00. 1 2 3 4/5 6.